

# VATANPARVAR



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини сканер қилинг.



2021 йил 23 апрель, №16 (2923)

Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган

## O'ZBEKISTON

### HAFTA ICHIDA

● Буюк Британиянинг олий таълим соҳасига оид муҳим масалаларни ёритувчи ва университетлар фаолиятини баҳолаб борувчи Times Higher Education ташкилоти ўзининг навбатдаги THE Impact Ranking рейтинг натижаларини эълон қилди.

Рейтингда Тошкент давлат юридик университети (ТДЮУ) дунёнинг 94 минтақа ва давлатларидан қатнашган минглаб университетлар орасида 401-ўринни эгаллади.

ТДЮУ мазкур рейтингда мамлакатимиз олий таълим муассасалари орасида энг юқори натижани қайд этди.

Ўза материали асосида тайёрланди.

7-бетда



## ҲАРБИЙЛАРИМИЗ АМЕРИКАДА РЕКОРД ЎРНАТДИ

Вакилларимиз III даражали сержант Дилмурод Сулаймонов ҳамда кичик сержант Хайрулло Олимов эстафета ҳамда узоқ масофага югуришда шу кунгача қайд этилган мусобақа рекордини янгиллади.

4-5 ҚОРЛИ БЎРОН ОРТИДАГИ ЗАҲМАТ

8 ҚЎШИНЛАР ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЙУЛИДА

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи жаҳон уруши миллионлаб бегуноҳ одамларнинг бевақт ўлимига, мислсиз йўқотишлар ва талафотларга сабабчи бўлган дунёдаги энг даҳшатли, қонли қирғинлардан бири сифатида инсоният тарихида муҳрланиб қолди.

Кўп миллатли Ўзбекистон халқи ҳам ҳақиқий жасорат ва фидойилик кўрсатиб, фашизм устидан қозонилган ғалабага улкан ҳисса қўшди. Хусусан, 2 миллионга яқин юртдошимиз жангларда иштирок этиб, уларнинг 500 мингдан ортиғи қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Шу билан бирга, уруш даврида республикамиз фронт учун зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак, қурол-аслаҳа ва бошқа воситаларни етказиб берадиган муҳим таъминот марказларидан бирига айланди. Айниқса, юртдошларимиз жанглар давом этаётган ҳудудлардан Ўзбекистонга кўчирилган 1,5 миллиондан ортиқ кексалар, аёллар ва ёш гўдакларни бағрига олиб, оғир дамларда уларга бекиёс ғамхўрлик кўрсатди.

Халқимизнинг тарих саҳифаларига ўчмас ҳарфлар билан битилган бундай мардлик ва матонати, олижаноблиги, меҳр-муруввати ва юксак маънавияти барчамизнинг қалбларимизга чексиз ғурур-ифтихор бағишлаб, фарзандларимизни ватанпарварлик ва аждодлар жасоратига садоқат руҳида тарбиялашда илҳомлантириб келмоқда.

Шунинг учун босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда букилмас ирода ва мардлик намоён этиб, бугунги тинч ва осойишта кунларимиз учун жонини фидо қилган жасур юртдошларимизнинг муқаддас хотирасини эъзозлаш ва фахрийларимизнинг ҳурматини жойига қўйиш юртимизда эзгу анъанага айланган.

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами – Хотира ва Қадрлаш кунини кенг нишонлаш, Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшган, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг хотирасини абадийлаштириш, орамиздаги барча фахрийларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

**9 май – Хотира ва Қадрлаш куни, умумхалқ байрамига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш дастури** (кейинги ўринларда – Дастур) 1-иловага мувофиқ;

**9 май – Хотира ва Қадрлаш куни, умумхалқ байрамига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ** (кейинги ўринларда – Ишчи гуруҳ) таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ишчи гуруҳ (А. Арипов):

Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг «**Хотира бор экан – миллат барҳаёт**», «**Эътибор ва ғамхўрлик – инсоний бурч**» **шиорлари** остида юқори савияда ўтказилишини таъминласин;

ёлғиз ва кам таъминланган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг турар жойи ва **уй хўжаликларини таъмирлаш, ободонлаштириш** бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин;

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига, фронт орти меҳнат фахрийларига, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзоларига **моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш** мақсадида тегишли вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар ҳамда ҳарбий қисмлар раҳбарлари томонидан ушбу тоифадаги шахсларни қутлаш учун уларнинг яшаш жойига ташрифларини ташкил этсин;

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш, уларни парвариш қилиш мақсадида тиббий билимларга эга ходимларни (шартнома асосида) бириктирган ҳолда **доимий равишда патронаж хизматини** йўлга қўйсин;

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг истаклари асосида уларни **республика ҳудудидаги санаторийларга бепул юборилишини** таъминласин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин;

Тошкент шаҳрида «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасида, вилоятларда «Ватанпарварлар» боғлари ва бошқа белгиланган жойларда ҳарбий техникалар намоиши, Иккинчи жаҳон уруши вақтидаги композициялар инсталляция-

сини, жумладан, уруш йилларининг қўшиқ ва куйлари ҳамда тегишли шароитлар яратиш билан боғлиқ тадбирларни ташкил этсин;

кўчалар ва майдонлар байрамга бағишланган плакатлар ва стендлар билан безатилишини таъминласин.

4. Белгилансинки, байрам тадбирлари ҳамда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти меҳнат фахрийлари вакилларининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган асосий маросимларга темир йўл ёки автомобиль транспортида келиб-кетиши, меҳмонхоналарда жойлашиши, овқатланиши, маданий ҳордиқ чиқариши билан боғлиқ харажатлар, шунингдек, зарур ҳолларда, тегишли кийим-кечаклар билан таъминланиши:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда – тегишли маҳаллий бюджетлар ҳамда ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида – Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

5. Мудофаа вазирлиги Тошкент шаҳрида **2021 йил 9 май соат 21.00 да Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган байрам салютини** ташкил қилсин.

6. Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия тантанали тадбирлар ўтказиладиган жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминласин.

7. Хотира ва Қадрлаш куни байрамини нишонлаш билан боғлиқ барча оммавий тадбирлар Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш чора-тадбирлари дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг тавсиялари асосида амалга оширилсин.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Дунё» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2021 йил 20 апрель

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами – Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафларимизда туриб Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 76 йиллиги нишонланиши муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига **12 000 000 (ўн икки миллион) сўм миқдоридан бир марталик пул мукофоти** белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Молия вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги,

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда **карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда** Ватанимиз озодлиги ва шон-шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маданий-маърифий кечаларни ўтказсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2021 йил 20 апрель

ХОТИРА БОР ЭКАН, МИЛЛАТ БАРҲАЁТ!



Баҳром АБДУРАХИМОВ

Пойтахтимиздаги «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида хизмат қилган юртдошларимиз хотирасига бағишлаб илк бор «Шон-шараф» республика ҳарбий фестивали ўтказилди.

Минглаб ёшларни хайрли мақсад йўлида бирлаштирган мазкур фестиваль Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги, Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия ҳамда Давлат божхона қўмитаси билан ҳамкорликда ташкиллаштирилди.

Кўтаринки руҳда бошланган фестивалда дастлаб ёшлар ўзбек оналарининг тимсоли, Иккинчи жаҳон урушига бир эмас, беш азамат ўғлини кутатган қахрамон аёл Зулфия Зокирова ва унинг садоқатли келинлари шарафига ўрнатилган «Матонат мадҳияси» мажмуаси пойига гулчамбарлар қўйиб, ҳурмат бажо келтиришди.

Шундан сўнг олий ҳарбий таълим муассасалари курсантлари ҳамда Тошкент Темурбеклар мактаби ўқувчиларининг саф юришлари намойиш этилди.

«Шон-шараф» музейида ўтказилган «Фахрийлар ва ёшлар учрашуви» ҳам ёшлар учун ўзига хос ибрат, мактаб вазифасини ўтади. Зеро, халқимиз

«Қари билганни пари билмайди», деб бежиз айтмайди. Мазкур учрашув давомида ёшлар машаққатли, шу билан бирга шарафли ҳаёт йўлини босиб ўтган, айни вақтда қариллик гаштини сураётган Қуролли Кучлар фахрийлари билан дилдан сухбатлашишди.

Учрашувдан сўнг ёшлар музей бўйлаб саёхатга таклиф қилинди.

– Музей залларидан ўрин олган экспозицияларни томоша қилар эканман, кўз олдимда даҳшатли уруш даври жонланди. Уруш қатнашчиларига қанчалик қийин бўлганини дилдан ҳис қилдим, қалбимда жасур ва мард боболаримизга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром туйғулари жўш урди, – дейди 172-умумтаълим мактаби ҳарбий синфи ўқувчиси Азиз Мухаммадов. – Тинчлик даврида яшаётганимизга шукрона келтирдим. Мен ҳам келажакда ҳарбий бўлишни ният қилганман. Йиллар ўтиб, албатта, орзуимга етаман ва она Ватанимга садоқат билан хизмат қиламан!

Фестиваль доирасида намойиш этилган концерт дастури кўнгиллarga ҳақиқий байрам шукухини улашди. Тадбир аввалида мудофаа вазирининг ўринбосари полковник Ҳамдам Қаршиев ва Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари Дилноза Каттахонава сўзга чиқиб, Иккинчи жаҳон урушида ўзбек халқининг ғалабага қўшган ҳиссаси, жасорати, мардлиги ҳақида сўзлади. Ўша олис ва суронли жанг майдонларида ҳам миллатимизнинг буюклигини, мардлик қон-қонига сингиб кетганини исботлай олган, ўзбек номини бутун дунёга танитган қахрамон аجدодларимиз ёди қалбларда мангу эканлигини эътироф этдилар ва ёшларни буюк аجدодларга муносиб авлод бўлишга, тинчликнинг қадрига етишга чорладилар.

Дастур давомида ҳарбий санъаткорлар ва таниқли эстрада хонандалари ижросида шўх куй-қўшиқлар янгради, қўшиқлар рақсларга уланди.

**Майор Гулнора ҲОЖИМУРОВА,**  
«Vatanparvar»



Муаллиф суратга олган



# ҚОРЛИ БЎРОН ОРТИДАГИ ЗАҲМАТ

**ЖАМОАНИНГ  
ЖИПСЛИГИ  
ИЛК  
ИШТИРОКДА  
ҒОЛИБЛИКНИ  
ТАЪМИНЛАДИ**

*Мудофаа вазирлигининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари Россия Федерациясида Халқаро армия ўйинлари доирасида ўтказилган «Саян юриши» мусобақасида фаол иштирок этди.*



Бир неча кун давомида юртодошларимиз белги-ланган шартлар бўйича ўзларини тоблашди. Бу ерда тоғ қояларининг тузилиши ўзгача, 50 км.лик маршрутни босиб ўтиш ҳам анчагина тер тўкишни талаб қилади. Боз устига, 12 та шарт бўйича кўрсатилган меъёрларни ҳам бажариш керак.

Мусобақалар бошланишидан бир кун аввал барча иштирокчилар тиббий кўриқдан ўтказилди. Шундан сўнг ҳарбий либос, қўлланиладиган ускуна ва жиҳозларнинг низом талабларига қанчалик мослиги назорат қилинди. Иштирокчилар ва судьялар мусобақага шай, деб топилди. Қуръа ташлаш йўли билан жамоаларнинг қатнашиш ўрни аниқлаб олинди.

Тантанали очилиш маросимида 10га яқин иштирокчи давлатлар қаторида юртимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради. Жамоалар саф тортди. Сўзга чиққанлар иштирокчиларга самимий тилаклар билдириб, омад тилади. Дўстлик уйидаги учрашув турли давлатлардан келган ҳарбий хизматчиларга маҳаллий аҳолининг маданияти ва санъати билан яқиндан танишиш имконини берди.

Эртаси куни кучли бўрон ва тўхтовсиз ёғаётган қор остида мусобақаларга старт берилди. Дастлаб иштирокчилар қор кўчкисидан қолган ярадорни қидириш шартини бажаришди. Тасаввур қилинг, одам бўйи қор. Бора-бора кўз ўрганса-да, кишини биринчи кўришда сескантиради. Шундай вазиятда бир инсон қор кўчкисидан қолиб кетди. Зудлик билан топилмаса, ўлим хавф солиб турибди. Табиийки, қидириш пайтида зарар ҳам етказиб қўймаслик лозим. Бунда иштирокчилардан аниқ ва тезкор ҳаракат қилиш талаб қилинади. Ушбу шартда уларнинг нафақат жанговар ва жисмоний шайлиги, балки замонавий приборлардан фойдаланиш маҳорати ҳам маълум бўлади. Гуруҳ таркибида жанговар ўқ отиш шarti ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлик даражасини намоён қилди.

Мусобақанинг 1-кунида ҳарбий хизматчилар 24,5 км масофани босиб ўтишди. Уларнинг юзларидаги ҳорғинликни забт этилган марра завқи босиб кетарди. Иштирокчилар озгина нафас ростлагач, йўлдаги ҳолатларни муҳокама қилишни бошлашди.

Сир эмаски, душман ҳеч қачон рақибга қулай бўладиган муҳитни танламайди. Имкон борича чалғитишга, қийнашга, чорасиз қолдиришга уринади. Тик қояга кўтарилиш ва тушиш машғулотлари ҳарбий хизматчиларнинг қалтис вазиятлардан





чиқишига кўмаклашади. Бу шарт бир қадар таваккалчиликни талаб этса ҳам иштирокчиларни довурак қилиб тарбиялайди. Ностандарт вазиятларда тоблаб, жисмонан чиниқтиради. Ушбу машғулот жамоанинг жипсликда ҳаракатланиш кўникмасини ошириши билан ҳам аҳамиятли.

Душманни заиф билма, дейишади. Майдонга тушган рақиб жамоалар ҳам анойи эмас. Уларга нафақат мутахассис сифатида маҳоратни кўрсатиш, жанговар ва жисмоний тайёргарликни намоиш этиш, балки мусобақа низомига мувофиқ ҳаракатланиш тартибига ҳам риоя қилиш лозим. Бунинг учун жамоа раҳбари майор Зокир Яллакаев анчагина тер тўкишига тўғри келди.

Шиддатли бўрон билан бошланган мусобақа кўёш чарақлаб турган ҳолатда якунига етди.



Бир-бирларига рақиб сифатида қараган жамоалар табассум билан биргаликда суратларга тушишди. Ахир улар 50 км.лик машаққатли йўлнинг захматини бирдек чекишди.

Натижаларга кўра, Россия Федерацияси жамоаси 1-, Хитой вакиллари 2-, ўзбекистонлик иштирокчилар эса 3-ўринни забт этди. Ғолиб ва совриндорларга медаль ҳамда Халқаро армия ўйинларининг эсдалик совғалари тантанали топширилди. Ҳарбий ансамбль ва оркестр, маҳаллий санъаткорлар иштирокида концерт дастури ташкил қилинди.

Таъкидлаш керакки, биринчи мартаба қатнашаётган бўлишига қарамасдан совринли ўринни қўлга киритиш юртимиз ҳарбий хизматчилари учун тажриба эгаллаш баробарида эътирофга арзигулик ютуқ бўлди. Аслида «Финиш» чизиғини босиб ўтган



хар бир иштирокчи ғолиб. У ўзини енгди, барча шартларни адо этди, катта мақсадлар учун куч тўплади. Ватан шаъни учун жонини жабборга бериб, ўзларини аямасдан олға интилган юртдошларимизга келгуси мусобақаларда бундан-да улкан ютуқлар тилаб қоламиз.

**Капитан Азиз НОРҚУЛОВ,**  
«Vatanparvar»  
Россия Федерацияси, Красноярск

Халқаро армия ҳайитлари доирасида Россия Федерацияси мезбонлик қилган «Саян юриши» мусобақасида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган юрт ҳғлонлари тантанали кутиб олинди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида ўтказилган тантанали маросимда мудофаа вазирининг жанговар тайёргарлик бўйича ўринбосари полковник Қодиржон Турсунов ва бошқалар мамлакатимизда миллий армия қудратини янада юксалтириш, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Шундай эътибор натижасида Ватанимиз ҳимоячилари ҳар йили нуфузли халқаро мусобақаларда юқори натижаларни қўлга киритаётгани алоҳида қайд этилди.

Таъкидлаш жоизки, «Саян юриши» мусобақасида илк мартаба қатнашганига қарамай, майор Зокир Яллакаев раҳбарлигидаги жамоамиз вакиллари фахрли 3-ўринни забт этди. Шу маънода мазкур беллашув музаффар ҳғлонларимизнинг юртимиз байроғини доим баланд кўтариши учун ўзига хос тажриба майдони вазифасини ўтади.

Мусобақанинг машаққатли синовларини сабот билан енгиб ўтган ҳарбий хизматчиларни қутлаш учун шу кун уларнинг ҳамкасблари, оила аъзолари, курсантлар, кенг жамоатчилик вакиллари карантин қоидаларига риоя этган ҳолда пешвоз

## МУЗАФФАР ҲҒЛОНЛАР КУТИБ ОЛИНДИ



Муаллиф суратга олган

чиқди. Халқаро беллашув майдонида маҳорат ва матонат бобида ўз салоҳиятини намоен этган довжорак ҳғлонларимизга Мудофаа вазирлигининг қимматбаҳо совғалари тантанали тарзда топширилди. Мудофаа вазирлиги Марказий ашула ва рақс ансамблининг ғолиблар шарафига бағишланган муслиқий гулдастаси барчага хуш кайфият бағишлади.

Д. РЎЗИҚУЛОВ



### АМАЛИЁТ

Миллий армиямизга кадрлар тайёрлаб бераётган олий таълим муассасалари орасида Қуролли Кучлар академиясининг ўз ўрни бор. Таълим тизимини йилдан йилга такомиллаштириб бораётган ушбу билим маскани бўлғуси офицерлар тайёрлашда турли истиқболли дастурларни муваффақиятли амалга ошириб келмоқда.

Қуролли Кучлар академиясида АҚШ, Россия, Буюк Британия, Франция, Туркия, Хитой каби давлатлар синфлари ташкил этилиб, курсантларга хорижий тиллар чуқур ўргатилаётгани, Ватан ҳимоячиси деган шарафли касбни танлаган ҳғлонларнинг жисмоний ва интеллектуал салоҳиятини ошириш учун замонавий ҳарбий техникаларни бошқариш тренажёр хоналари, қояга чиқиш ҳадисини ўргатувчи скаладром шулар жумласидандир. Шунингдек, муддатли ҳарбий хизматчилардан иборат «Илмий взвод» ташкил этилганини ҳам юқоридаги ютуқлар қаторига киритиш мумкин. Қисқа қилиб айтганда, академия курсантлари «Бир йигитга қирқ ҳунар оз» мақолига амал қилган ҳолда офицерлик диплоmidан ташқари, турли мутахассисликлар бўйича сертификатларга ҳам эга бўлишади.

Мана, икки йилдири, академиянинг умумқўшин факультети курсантлари ўқув дастурига ки-



ритилган тоғ тайёргарлиги мутахассислиги бўйича ҳам билим ва кўникмаларини ошириб бормоқдалар. Мудофаа вазирлиги тоғ тайёргарлиги ўқув маркази курсантларнинг ушбу мутахассисликни эгаллашида қўл келмоқда. Марказга тоғ тайёргарлиги, яшовчанлик цикли бўйича амалий ҳамда назарий кўникмаларини оширишга келган 2-босқич курсантлари бир неча кун давомида машғулотларда иштирок этишди. Улар йўриқчилар ёрдамида

## «БИР ЙИГИТГА ҚИРҚ ҲУНАР ОЗ»

махсус мосламалар билан тик қояга чиқиш, тушиш, дара устига ўрнатилган арқонда ҳаракатланиш, тоғ шароитида жароҳатланганларга ёрдам кўрсатиш, баланд чўққили йўналишда узоқ масофани босиб ўтиш каби машқларни бажардилар.

– Кўриб турганингиздек, айрим курсантларимизга машқларни бажаришда тажриба камлик қияпти, – дейди Жанговар тайёргарлик кафедраси ўқитувчиси подполковник Зоҳид Шомуротов. – Аммо ушбу машқлар давомида йўриқчиларимиз уларга дастурдан ташқари қўшимча машғулотлар ўтишади. Бу эса курсантларимизнинг чидамчилигини, ҳар қандай муҳитга мосланувчанлигини, яшовчанлик қобилияти ошишига хизмат қилади. Ўтказилган машғулотларда аъло натижаларга эришган курсантларга сертификатлар топширилади ва улар қўшимча мутахассисликка эга бўлишади.

Иккинчи босқич курсантлари бажараётган машқларни кузатар эканмиз, альпинистлик нақадар хатарли, диққат-эътиборни талаб этадиган, шу билан бирга масъулиятли касб эканлигига яна бир бор гувоҳ бўлдик. Ана шундай хатар ва масъулиятни ҳис қила олган бўлғуси офицерлар келажакда ўз ишининг устаси сифатида юрт тинчлигини қўриқлашда қатъиятли, сергак кадрлар бўлиб етишади.

А. РЎЗИБОВ



ХАЛҚАРО МАЙДОНДА

# АҚШ: «ИЛҒОР ЖАНГЧИ» МУСОБАҚАСИДА рекордларни янгилаётган ҳарбийларимиз



Шу йилнинг 18 апрель куни Америка Қўшма Штатларининг Миссисипи штатидаги «Camp Shelby» ҳарбий ўқув базасида «Илғор жангчи» мусобақасига старт берилди.

Унда АҚШ Қуролли Кучларининг турли штатларидаги бўлинмаларидан келган жами 14 нафар ҳарбий хизматчи, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг икки нафар вакили иштирок этмоқда.

Иштирокчилар 20 дан ортиқ шартни ўзида жамлаган 8 йўналиш бўйича ўзаро беллашмоқда. Мусобақанинг дастлабки йўналишида ҳарбий хизматчилар оғирлиги 5 кг бўлган коптокни ўзидан ошириб ортга улоқтириш, ўз вазнидан камидан 3 барабар оғир бўлган юкни кўтариб ўтириб туриш, 3 дақиқа ичида ётган ҳолда куч машқини бажариш, 25 метр масофага турли юклар, ҳолатларда югуриш орқали бажариладиган эстафета, турникда тортилиш ҳамда 3,2 км масофага югуриш машқларини бажаришди.

Юртимиз шаънини ҳимоя қилаётган III даражали сержант Дилмурод Сулаймонов ҳамда кичик сержант Хайрулло Олимов мазкур беллашувнинг барча шартларини муваффақиятли бажариб, эстафета ҳамда узок масофага югуришда шу кунгача қайд этилган мусобақа рекордини янгилади.

\*\*\*

Кейинги 4 та йўналиш бўйича кечган мурасасиз баҳслар ҳам рекордларга бой бўлди. Қувонарлиси, бу натижаларга ҳам ҳамюртларимиз муаллифлик қилишди.

Унда сунъий тўсиқлар йўлагидан ўтиш, узок масофага маршни амалга ошириш, жанг шароитида ярадорга тезкор тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда иштирокчиларнинг тунги шароитда ҳарбий топография бўйича билим ва маҳоратлари синовдан ўтказилди.

Ўнга яқин тўсиқни ўзида жамлаган, узунлиги 900 метр бўлган йўлақдан ўтиш баҳсларида вакилларимиз ҳам муваффақиятли иштирок этиб, ушбу шартда ҳам тенгсиз эканлигини яна бир бор намоён этишди.

Ҳамюртимиз кичик сержант Хайрулло Олимов баландлиги 8 метр бўлган мураккаб шаклдаги ёғоч тўсиққа чиқиш ва турли арқондан фойдаланиб ундан тушиш, кенглиги чамаси 20 метр бўлган сув ҳавзасидан арқон ёрдамида ўтиш, нотекис ва ностандарт мувозанатга эга бўлган турли сунъий тўсиқлардан ўтишни ўзида жамлаган мажмуавий машқларни 9 дақиқаю 20 сония вақт ичида бажариб, мусобақа рекордини янгилади.

Кейинги шартда иштирокчилардан 18 кг юк билан белгиланган вақт оралиғида 20 километрик масофани босиб ўтиш талаб этилди. Мазкур шартда ҳар икки ҳарбий хизматчимиз ҳам рақибларидан илдам ҳаракатланиб, марра чизигини 2 соату 2 дақиқада босиб ўтиб, мусобақа натижаларини янгилашга эришди.

Жанг майдонида тез тиббий ёрдам кўрсатиш машқида иштирокчилар 4 та ўқув саволи бўйича синовдан ўтди. Унга кўра, 4 нафар турли кўринишдаги яраланган жангчини жанг майдонидан олиб чиқиш, улардаги шикастланиш даражасини аниқлаш, ташқи ҳаёт белгиларига қараб биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, ёпиқ ёки очик синиш каби жароҳат олганларга тезкор муолажа қўллаш ҳамда уларни хавфсиз ҳудудга эвакуация қилиш вазифаларини бажаришди.

Шу кун иштирокчиларнинг тунги шароитларда ҳарбий топография бўйича билим ва кўникмалари ҳам текширилди. Ушбу шартда ҳам ҳарбий хизматчиларимиз яхши натижа кўрсатиб, зарур балларни қўлга киритди. Дастлаб улар мусобақа ташкилотчилари томонидан берилган 5 та нуқта координатларини хариталарда тўғри белгилаб, сўнгра ажратилган 4 соат вақт ичида 20 км радиусдаги ўша нуқталарни топишди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ҳарбийларимиз замонавий новигация воситаларисиз, ёввойи ҳайвот оламига эга бўлган номаълум ҳудудда, хусусан, ботқоқлик ва қалин ўрмонда ҳаракатланишига тўғри келди. Йигитларимиз бу шартни ҳам мезбон иштирокчилар билан тенгма-тенг удалашди.

Мусобақанинг сўнги босқичида иштирокчилар турли русумдаги қуроллардан ўт очиш, артиллерия оловини йўналтириш ҳамда тест синовларида беллашади.

Эслаиб ўтамиз, 2019 йилда ҳам ушбу мусобақада иштирок этган ҳарбийларимиз фахрли I ўринни қўлга киритган эди.

**Лейтенант Отабек НОРБОВ**  
АҚШ, Миссисипи



## ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ЙИҒИН

Мудофаа вазирлиги томонидан Сурхондарё вилоятида жойлашган «Термиз» дала-ўқув майдонида кенг қўламли ўқув-услубий йиғин ўтказилди.



# Қўшинлар жанговар тайёргарлигини янада ошириш йўлида

Унда Жануби-ғарбий махсус ва Марказий ҳарбий округларнинг масъул офицерлари, ҳарбий қисм командирлари ва уларнинг жанговар тайёргарлик бўйича ўринбосарлари иштирок этди.

Қўшинларимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида миллий армиямизнинг жанговар шайлигини янада ошириш, тайёргарлик машғулотларини бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш энг муҳим масала ҳисобланади. Ана шу мақсадда ўтказилган ўқувда таъкидланганидек, ҳарбий қисм ва муассасаларда барча моддий-техник асослар, ҳарбий хизматчилар учун зарур шароитлар яратилган. Эндиги талаб юрт посбонлари фақат ва фақат ўз устида ишлаши, энг сўнги замонавий билимларни ўзлаштириши лозим.

Кенг қамровли ўқув йиғини саф тайёргарлиги билан бошланди. Унда ҳарбий хизматчиларнинг кийим-бош русуми, ҳужжатлари, қуролсиз ва қурол билан саф ҳаракатлари, шунингдек, саф уйғунлиги баҳоланди.

Назарий машғулотлар давомида йиғин иштирокчилари билан дунёда кузатилаётган ҳарбий-сиёсий вазият, замонавий қуролли можаролар таҳлилларидан келиб чиққан ҳолда ҳулоса ва таҳлиллар қилинди, сабоқлар асосида келгусида амалга ошириладиган вазифаларга аниқлик киритилди.

Йиғиннинг амалий қисмида назарий машғулотлар давомида кўриб чиқилган мавзулар, яъни сўнги вақтларда жаҳонда кузатилаётган ҳарбий ҳаракатлар хусусиятларидан келиб чиқиб, ўқув жойларини ташкил этишга эътибор қаратилди. Масалан, илғор хориж армиялари тажрибаси ўрганилиб, бўлинмаларнинг ҳамжиҳатликдаги ҳаракатлари, учувчисиз учиш аппаратларини аниқлаш ва уларга қарши воситаларни қўллаш, бўлинмалар жойлашган ҳудуд ва жанговар техникалар жойларини яшириш ҳамда ниқоблаш, чалғитувчи усулларни қўллаш бўйича тактик ҳаракатлар намойиш қилинди.

Машғулотларда йиғин қатнашчиларига ҳозирги даврда қўшинлар жанговар шайлигини мустақамлашнинг муҳим омилларидан бўлган мерганлар тайёргарлиги, жанговар кичик гуруҳларнинг тактик ҳаракатларни олиб бориш услублари амалий тарзда кўрсатилди. Машғулотларга нуфузли олий ҳарбий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва ҳарбий қисмлардаги катта тажриба ва



малакага эга маҳоратли мутахассислар раҳбарлик қилди. Ўқ отиш тайёргарлигида асосий урғу вазифани ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний юклама ва руҳий босимлар остида бажаришига қаратилди.

Тактик тайёргарлик фани бўйича қўшинлар тайёргарлигига янги татбиқ қилинган манёврчан гуруҳлар ҳаракатлари ҳамда ҳужум жангига мос бўлган ҳаракатлар тактик саф машғулотлари шаклида намойиш этилди. Тоғ тайёргарлиги ўқув жойида машғулотларни ташкиллаштириш, шахсий таркибнинг хавфсиз ҳаракатларини таъминлаш бўйича ҳам машқлар ўтказилди. Йиғин иштирокчиларининг ўзи ҳам турли мураккаб тўсиқлардан ўтиш, қояларга кўтарилиш ва тушиш, тоғ анжомларидан самарали фойдаланиш усулларини ўрганди. Махсус бўлинмаларнинг қуролланган бузғунчи тўдаларни йўқ қилиш бўйича махсус қўшинлар ҳаракатлари ҳам амалий равишда кўриб чиқилди.

Шунингдек, жисмоний тайёргарлик машғулотларини янги усулларда олиб бориш кўникмаларини янада ошириш бўйича қатнашчиларга қўл ва пичоқ жанги, қурол билан зарба бериш, эрталабки ва кечки бадантарбияни ташкиллаштиришнинг янги усуллари кўрсатиб берилди. Йиғин қатнашчиларининг ўзи ҳам жисмоний тайёргарликдан белгиланган меъёрларни топширди.

Ўқув-услубий йиғин якунлари бўйича иштирокчиларнинг Қуролли Кучларнинг ривожланиш тенденциялари ва илғор тажрибаларни ўрганиш, амалиётга татбиқ этиш, жанговар тайёргарликни ташкиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялари умумлаштирилади. Хулоса қилиб айтганда, миллий армиямизда олиб борилаётган бундай чора-тадбирлар қўшинлар жанговар тайёргарлигини янада оширишда муҳим ўрин тутиши, шубҳасиз.

Лейтенант Бобур ЭСОНОВ



## УЙҒОҚ ТУЙҒУЛАР

Осетиялик Гаджиевлар оиласи билан қадрдон бўлиб кетганмиз. Яқинда хонадон бошлиғи Багауддин ака 82 ёшни қаршилади. Шу муносабат билан дугонам Валентина мени дала ҳовлига таклиф қилди. Валя опанинг ўғли Али ва келини Заира бошқа меҳмонлар қатори каминани ҳам илиқ кутиб олди. Даврада оилага қадрдон бўлган кўпчилик йиғилди.

– Бу бизнинг Алан, – дея баланд бўйли, буғдой юзли йигитни кўрсатди Али суҳбат чоғида. – Осетиядан. Ўзбекистонга, Тошкентга биринчи келиши. Ўзи катта тадбиркор. Савоб ишни кўп қилади. Бир бурда нони қолса ҳам савобга сарфлайдиганлардан. Асли қўли гул йигит.

Бу гаплардан сўнг даврадагилар ўша йигитга бир-бир қараб қўйишди. Чехрасидан нур ёғилиб турган Аланнинг бир қарашдаёқ чин мусулмон, кўнгли тоза ва пок эканлиги сезилади. Гап орасида Алан Иккинчи жаҳон урушида бедарак кетганларнинг жасадларини кавлаб, шахсини аниқлаб, айримларини юртига – эгаларига жўнатаётгани, айримларини ўша ерда исломий расм-русум билан қайта кўмаётганини айтганда, шубҳасиз, қизиқишим ортди ва Алан билан суҳбатлашдим. Алан Татаров Владикавказда темир бадий безак (кофка) бирлашмасининг бош директори, шу билан бирга бедаракларни қидирув гуруҳи бошлиғи экан. Алан бу иш билан 2002 йилдан буюн шугулланаркан.

Суҳбат давомида билганларим шуки, Алан 22 ёш пайтида Осетиядаги тоғда муз қатламлари кўчкиси иккита қишлоқни бутунлай босиб қолган ва у биринчилардан бўлиб қидирув-қутқарув ишларида қатнашган. Шундан сўнг кўнглида одамларга ёрдам бериш, мушкулени осон қилиш туйғуси уйғонган.

– Ҳозирги кунга қадар 2 800 нафар жангчини кавлаб олдик. Улар орасида украин, қозоқ, яҳудий ва бошқа миллат вакиллари бор. Деярли кўпчилигининг шахсини аниқладик, дараклаб уларига, қариндош-уруғларига жўнатдик. Айримларини шахсан ўзим манзилларига элтиб қўйганман, – деди Алан.

## САВОБ ИШНИНГ САОДАТИ

Урушда бедарак кетган ўзбек жангчиларининг 180 нафарини топган осетиялик Алан ҳақида



– Бундан сизга нима наф? – сўрайман ундан.

– Бизга келадиган наф, бу – савоб, – дейди у.

Ҳа, инсон бу ҳаётга асли яхшилик учун келади. Яхшиликни қўлидан келганча, ҳатто ортиғи билан бажарадиганлар бор. Шукурки, бундай инсонлар орамизда кўп. Ана шулардан бири бўлган Аланнинг ишлари таҳсинга лойиқ.

– 180 нафар ўзбек ўғлонининг жасадларини кавлаб олганмиз. Барчасининг шахсини аниқладик. Уларга тобут ҳам ясаб қўйдик. Ҳозир қариндош-уруғларини дараклашамиз. Бу борада гуруҳимизда 22 нафар қидирувчи фаоллик кўрсатяпти. Мурод Сахийлов, Иван Стукалов, Юра Катаев, Заур Зазев кабилар ўз ишларини сидқидилдан меҳр билан бажаришмоқда.

– Айтинг-чи, жангчиларнинг шахсларини қандай аниқлайсизлар?

– Иккинчи жаҳон уруши пайтида ҳар бир жангчи шахсини белгиловчи қоғозни махсус темир жетонга солиб, чўнтагида сақлаган. Оддий сиёҳ эмас, ёзуви ўчмайди қаламларда битилган улар. Ҳужжатлар асосида ўрганишимиз бўйича Сталинграддан Бесланга, сўнг у ердан Владикавказга минглаб жангчилар пиёда боришган...

Суҳбат давомида Алан уруш йиллари Шимолий Кавказ frontiда кунига минглаб жангчиларнинг айримлари қаттиқ совуқдан, бошқалари дайди ўк, танк ва гранаталар портлашидан ҳалок бўлганини тарихий далиллар орқали ўрганишганини сўзлаб берди. Ўша йиллари Берия ҳам бола-чақаси билан Шимолий Осетияда яшаган ва қўмондон бўлган.

– Дўстим Али Борисовичдан Ўзбекистон ҳақида кўп эшитгандим. Эшитган бошқа, кўрган бошқа, деганлари рост экан. Чиндан ҳам Тошкентнинг ўзидаги бунёдкорликни, шаҳар кўркини кўриб, яна меҳрим ортди. Амир Темурдек саркардани дунёга келтирган халқ барча миллатларга ибрат бўлгулик, десам, хато бўлмас. Шундай экан, ўзбек халқига озгина бўлса-да, нафим тегаётганидан бахтиёрман.

Айтганча, савоб ишлар фидойиси А. Татаров рафиқаси Зелина билан олти фарзандни асраб олган экан. Ўзларининг эса Сафия, Алиса, Олег исмли фарзандлари ҳам бор.

– Айни кунларда гуруҳимиз 180 жангчи шахсининг орден ва медаллари бўйича изланяпмиз. Тахлам-тахлам қоғозларни, ҳужжатларни синчиклаб ўрганиб, тўғри ва ҳаққоний далилларни топиш учун йигитларимизда сабр-матонат етарли.

– Ҳақиқий мусулмон, деб шу Аланни айтса бўлади, – суҳбатимизга Али келиб қўшилди. – Савоб йўлида бажараётган ишларининг барчасига ўз хисобидан маблағ сарфляпти ва ўтганлар руҳларини шод этапти. Бундайларни Оллоҳ ярлақсин.

Халқимизда ғамнок бўлсанг, қабристонни айлан, деган гап бор. Шунда имон, инсоф, диёнат, эътиқод, поклик туйғулари уйғониб, умрининг, одамларнинг, вақтнинг қадрига етадиган бўлади киши. Бу борада суҳбатдошимнинг ҳаёти ва савоб йўлида олиб бораётган ишлари, шубҳасиз, барчага ибратдир. Оламда унга ўхшаганлар кўпайсин.

Муқаддас АБДУСАМАТОВА,  
журналист

## ҚАДР – МУҚАДДАС

## ҚАҲРАМОН ОТАХОН

Шарқий ҳарбий округ қўшинлари Андижон гарнизонининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари вилоятдаги Бештол қишлоғида истиқомат қилаётган уруш қатнашчиси Зайнобиддин Қодиров хонадонидан бўлдилар.



98 ёшни қарши олган Зайнобиддин бобо уруш даврларини эслаб, шундай дейди:

– 17 ёш эдим урушга кетганимда. Сталинградга борганмиз, бизнинг қишлоқдан 102 тенгдошимни менга қўшиб

олиб кетишган эди. Мотоўқчи бўлинмада хизмат қилдим. Машинани яхши ҳайдаганим учун кечки пайт мен ярадорларни даволаш бўлимига дори таширдим. Шу йўсинда Япониягача бордик. Айни шу масофаларда қанчадан-қанча қийинчиликларни кўрмадик, дейсизлар.

Зайнобиддин бобонинг 7 нафар фарзанди бор. Уларнинг ҳаммаси олий маълумотли. Ҳозирги кунда 38 неварга, 25 эвара, 1 нафар чевара кўршовида.

Мазмунли суҳбат давомида тиббиёт ходимлари отахонни тиббий кўрикдан ўтказишиб, керакли муолажалар қилишди.

Шарқий ҳарбий округ матбуот хизмати

## ҚАРИЛИК ГАШТИ

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийларининг жасорати ва матонатини улўғлаш, уларга муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш мақсадида шу кунларда жойларда қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

## ЖАСОРАТГА УНДАГАН ТУЙҒУ



Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ Жанубий оператив қўмондонлиги тасарруфидаги Хайробод гарнизони ҳарбий хизматчилари Денов туманидаги Янгиобод ва Жомий маҳалларида истиқомат қилаётган уруш фахрийлари 105 ёшли Ашур бобо ҳамда 95 ёшли Досик бобо ҳолидан хабар олдилар.

Жараёнда Ўзбекистон қаҳрамони, сенатор, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик

кенгаши раиси Содиқжон Турдиев, вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Орзиқул Соатов ва Жамоатчилик кенгашининг вилоят бўлими вакиллари ҳамда Жанубий оператив қўмондонлиги бошлиғининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Алишер Широнов иштирок этди.

– Қиш пайти, 17 ёшимда урушга жўнатилганман, – дея хотирлайди Ашур бобо. – Ўшанда Ватанга меҳримиз қанчалик юксак бўлса, душманга нафратимиз бундан ҳам кучлироқ бўлган экан. Ёшлиқдаги ана шу ҳис-туйғу нияти бузуқ газандалардан ер юзини тозалашга бизни чорлаган. Илоё, бу урушнинг номи ўчсин...

Ташриф давомида Хайробод гарнизони ҳарбий оркестри томонидан уруш давридаги куй ва қўшиқлар айтилди.

III даражали сержант Акбар АҲМЕДОВ  
Термиз гарнизони

# КАСБИЙ МАҲОРАТ АМАЛИЁТДА СИНАЛДЎ

III даражали сержант Олим БЕРДИЕВ



Юртимиздаги олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳар томонлама етук офицер кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга катта эътибор қаратилади. Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти 4-босқич курсантларининг дала-ўқув машғулотларидаги иштироки ҳам ана шу эзгу мақсад йўлидаги самарали қадамдир.



Эрта тонгдан жисмоний тайёргарлик билан бошланган машғулотлар, жанговар ва маънавий-маърифий ҳамда мутахассислик бўйича алоқа тайёргарлиги машғулотлари билан давом этди. Машғулотларни малакали офицер ва профессор-ўқитувчилар ташкиллаштирди.

Миллий армиямиз учун етук кадрларни тайёрлаш, шу билан бирга курсантларда турли шароитларда руҳий барқарорликни таъминловчи маънавий-ахлоқий ва жанговар фазилатларни, мустаҳкам ирода ва Ватан тақдири учун масъулият ҳиссини шакллантириш ҳамда ҳарбий жамоаларда соғлом муҳитни қарор топтириш мақсадида ташкиллаштирилган мазкур ўқув машғулотларида асосий эътибор берилган топшириқ ва вазифаларни сифатли бажаришга қаратилди.

Жанговар тайёргарлик машғулотлари олдидан машғулот раҳбарлари курсантларга ҳар бир қуролнинг қўлланиши, тактик-техник тавсифи, улардан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя этиш бўйича батафсил маълумот беришди. Шундан сўнг иштирокчилар белгиланган ўқув нуқталарида отиш тайёргарлиги, умумқўшин тактикаси, оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш бўйича олган назарий билимларини амалда мустаҳкамлади. Алоқа тайёргарлиги машғулотларида эса ҳарбий техникаларга ўрнатилган замонавий алоқа воситаларини ишга тайёрлаш ҳамда бўлинмалар ўртасида алоқани таъминлаш бўйича замонавий кўникмаларни ўзлаштиришди.

Машғулотда қанча қийин бўлса, жангда шунча осон бўлади, деган ҳақиқатни ҳаётий шиорга айлантирган ўғлонлар топшириқларни бажаришда ўзларидаги чаққонлик, эпчиллик, уддабуронлик фазилатларини намоён қилди. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир курсант машғулотларда фаол иштирок этиб, шахсий намуна кўрсатишга интилди. Бу жиҳат, албатта, ўқитувчиларнинг назаридан четда қолмади.

– Машғулотларда шу кунгача олган назарий билимларимизни синовдан ўтказдик. Қийналмадингизми, дейсизми? Йўқ, қизиқиш кучли бўлгани учунми, ҳеч қандай қийинчилик сезилмади. Йўл қўйилган баъзи камчиликларни тузатиш, касбий кўникмаларимизни янада ошириш мақсадида ўқитувчиларимиздан керакли тавсиялар олдик. Келажакда етук офицер сифатида Ватанимга садоқат билан хизмат қиламан! – дейди курсант Ойбек Мавлонов.

Куннинг иккинчи ярмида курсантлар учун психологик тренинг ўтказилди. Унда асосий эътибор ҳарбий хизматчининг ахлоқий-руҳий ҳолатини барқарорлаштиришга қаратилди.

Машғулотлардан сўнг Тошкент ҳарбий округи маънавият-маърифат марказининг «Навқирон» гуруҳи томонидан концерт дастури намоиш этилди.

Майор Гулнора ҲОЖИМУРОВА

## КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ

МУТОЛАА МЕНИНГ  
ҲАЁТИМДА...

Бу саҳифамиз очилганига ҳам анчагина фурсат бўлди, ўзига яраша ўқувчилари ҳам бор. Бундан севинамиз, албатта. Яқинда саҳифамизни мунтазам кузатиб, ўқиб борадиган ўқувчиларимиздан бири таклиф билдирди: «Китобхонлардан ҳам эшитайлик, уларнинг фикри ҳам қизиқ-да...»

Аслида ушбу саҳифага билдирилган, билдирилмаётган мулоҳазалар, эътирофларни жамлаб, эътиборингизга ҳавола этиш ниятимиз бор эди. Бу таклиф эса анча жўялироқ кўринди. Чунки ҳаётимизда ўчмас из қолдирган асарлар бор. Қалбларимизга оғриқ, умидлар олиб кирган китоблар мавжуд. Ўзинг билан ўзингни сўйлатадиган, ўйга толдирадиган, тафаккурга чорлайдиганлари қанча.

**Санъатшунос журналист Шоҳиста АБДУРАҲМОНОВА** китоблар ҳақида сўз кетганида шундай деган эди: «Мен Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» китобини ўқиб чиққанимда мактабнинг 6-синфида ўқирдим. Шу қадар асар ичига кириб кетдимки, мен китоб ўқимадим, китоб қахрамонлари билан яшадим, дардлари, севинчлари, айриликлари, армонлари, ҳижронлари... билан. Бу менга оғирлик қилди. Касал бўлиб қолдим. «Икки эшик ораси»даги дунё мени «махв» этди. Шу қадар юрагимга яқин олганман, кучли таъсир қилган... Ҳозир ҳам китоблар ўқишни севаман. Юракка етиб борадиган асарларни ўқигим келади».

Унинг бу гапларидан кейин бошқаларнинг ҳам қандай китоблар ўқигани билан қизиқдим. Шеърят мухлисларига Гуландом Тоғаева номи яхши таниш. Мен ҳам унинг шеъряти асириман. Илоҳий илҳомлар билан сийланган беқиёс шоирнинг қандай китоблар ўқигани бошқалар учун ҳам қизиқ бўлса керак.

**Гуландом ТОҒАЕВА, «Маҳалла» телеканали катта муҳаррири:**

– Китоблар... Улар орасида мени ўзгартирганлари бор. Булардан бири Александр Яковлевнинг «Руал Амундсен» романидир. Норвегиялик машҳур сайёҳ, денгизчи ва учувчи, Жанубий ярим шарга илк йўл очган жасур инсон Руал Амундсен ҳақида бу асар. Унда сайёҳнинг учта шиори бор эди. Уларни ўзимнинг ҳаётимга айлантирганман: «Соғлиқ, ирода, илм...» Менда ирода ва қатъият хислатларини тарбиялаган, бу асар.

Кейин... Иброҳим Ҳаққуловнинг барча асарлари. Хусусан, «Шеърят. Рухий муносабат» китобини ўн марталаб ўқиганман. Шеърый дид, гўзалликка муносабат, тасаввуф илми иншоларини ўрганганман.

Яна бир севимли китоб мен учун Жек Лондоннинг «Мартин Иден» романи. Ёзиш иштиёқини сақлаб қолмоқчи ва шитобини кучайтирмоқчи бўлганман.

1993 – 2000 йилларда Алишер Навоий ғазалиётининг ошиғи бўлиб қолдим. Ҳар куни ҳеч йўқса, икки сатр ўқир эдим. Мана, санъат, мана, туйғулар тарбияси биз учун. Кун бўйи мағзини чақиш билан овора бўлар эдим. Бу китоблар кўпинча столимда турган.

Айни пайтда фақат соғлиғим панд бермоқда, афсус. Аммо Бичер-Стоунинг «Том тоғанинг кулбаси» романини соғинганман. Аммо топа олмаганман. Чунки бу асарлар ёшлигимнинг чинакам вафодор ҳамроҳлари эди...

**Наргиза АСАДОВА, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси:**

– Китоблар ҳаётимда муҳим ўрин тутди, ҳаётимнинг ажралмас бир қисми десам ҳам бўлади. Мени чуқур ўйга толдирган, узоқ вақт хаёлларимни банд этган асарлар кўп. Айниқса, беназир шоир, ёзувчи Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» асари менда кучли таассурот қолдирган. Қаранг, бир аср муқаддам яратилган асар. Бир аср муқаддам яшаган аждодларимизнинг турмуш тарзи оддий ва самимий тарзда очиб берилган. Хотинбоз бойлар, ҳуқуқсиз аёллар, ҳаётнинг майда икир-чикирлардан иборат бўлиб қолгани... Асардаги Зеби образи мени кўп ўйлантиради. Бир аср муқаддам адабиётимиз Зеби тимсолида ҳар бир авлоднинг тақдирини аёл кўлида эканлигини кўрсатади. Миллатнинг бунёдкори аёл эканлигини таъкидлайди. Бой хонадондаги аёлларнинг майда интригалари, ахлоқсизлик, мингбошининг ўлими, Зебининг маҳкамага тортилиши... Бу бир оиланинг фожиаси эмас эди, бу – миллатнинг фожиаси эди. Адиб ўз асарини илмсизликни қоралайди. Наҳот даричаси сифатида болалар тарбиясини «ўрис аёлга» топширишни айтади. Буларни ўқиб, кўнглимда норозилик уйғонган: нега рус аёли? Кейин англадимки, бу ўша давр муҳитининг талаби экан.

Борди-ю, Зеби бир аср аввал эмас, ҳозирги куннинг қизи бўлганида унинг ҳаёти қай тарзда кечар эди? Ёки мен Зебининг ўрнида бўлганимда қандай ҳаёт кечирар эдим? Ёлғиз, тақдирга кўнган, илмсиз, майда-чўйдларга ўралашган, муҳит исканжасидан чиқолмаган... бўлардимми?

Бугун миллатнинг Зебилари тамоман бошқача. Илм истаб дунёнинг исталган ерига кетяптилар, эмин-эркин ўқиб-ўрганаптилар.

**Зебо САРИЕВА, муаллима:**

– Болаликдан кўзим китобларга ўрганган. Раҳматли отам ўз қўллари билан йиққан катта кутубхонамиз бўлар эди. Бот-бот отамни эслайман, кўз ўнгимда қўлларида китоб билан гавдаланадилар...

Ёшлиқда ўқиган китобларимни ҳозир варақласам, бутунлай бошқача маънолар топаман, қахрамонлар ҳаётига бошқача нигоҳ билан қарайман. Инсон улғайгани сари ҳаётини қарашлари ҳам ўзгарар экан. Ёшлиқ жўшқинлиги билан қоралганимиз асар қахрамонлари ҳақида энди бошқача хулосаларим бор: у ҳам инсон-ку, деган. Мен ҳам кўплар каби «Икки эшик ораси»ни ўқиганман. Ҳозир бу китобни варақласам, қахрамонлар кўз ўнгимда пайдо бўлади. Айниқса, Қора аммининг қадрдон қиёфаси, ичидаги «одамчалар», фарзанд доғи куйдириб кул қилган катта Қалб...

Китоблар менга отамни эслатаверади. Улар мутолаани севганлари учун янада севинтиргим келиб, китоб совға қилганман. Мен унда жуда ёш бўлганман. Бу китоб... ёдимга тушса, ҳозир ҳам

хижолат тортаман... Китоб номи «Дайди қизнинг дафтари» эди. Ўшанда отамнинг синовчан нигоҳларига эътибор ҳам бермабман. Ўзим бу китобни ўқимаган эдим. Кейинроқ ўқиб, шу қадар уялдимки... Бу оталарга совға қилинадиган китоб эмас экан!

Қиссадан ҳисса шуки, кимга қандай китоб совға қилишни билиш учун ҳам китоб ўқиш керак. Ўқимасангиз... нима бўлишини билдингиз.

**Мастура ҚУРБОНОВА, мусахҳих:**

– Биласизми, илк марта ўқиган жиддий китобларимдан бири адабимиз Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асари эди. Ёш эдим, воқеаларга қизиқиб ўқидим. Кумушни ёқтирдим, яна... Зайнабга шу қадар раҳмим келди-и.

Ёшлиқда инсон ҳис-туйғуларга берилувчан бўлади. Ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» асарини ана шундай туйғулар билан ўқиб чиққанман. Робиянинг тақдирига куйинганман, етимлиги камдек муҳаббатидан айрилиши... Уни бошқачароқ бахтга муносиб кўрганман, болали эркакка турмушга чиқишини истамаганман.

Китобларнинг шундай оҳанрабои бор, кишини ўзига тортиб олади, қахрамонлар ҳаётига сизни шерик қилади. Менимча ана шу шериклик кўнглимда гўзал ҳисларни тарбиялайди.

**Ойиша ЗИКРИЛЛАЕВА, уй бекаси:**

– Мен олий даргоҳларда ўқий олмадим, орзулигича қолди. Аммо китоб ўқишни болаликдан шу кунга қадар қилганим йўқ. Мен шеърятни севдим. Абдулла Ориповнинг кўп шеърларини ёд олганман. Ҳозир ҳам уй юмушларини бирпас унутиб, ўз-ўзимча шеърлар ўқийман, кўнглим ёришиб кетади. Болаларим улғайди, набираларим бор. Уларга шеърлар ўқиб бераман, эртақларим учун набираларим менинг ёнимдан кетишни хоҳламайди.

Уйимиздан ҳеч одам оёғи узилмайди. Нима учун, биласизми? Китобларим кўплиги учун. Дуноналарим, қўни-қўшнларим, бола кўтариб олган келин-кепчикларни ҳам ўзига тортиб туради, бу китоблар. Кўпчилиги катта адиб Тоҳир Маликнинг «Одамийлик мулки» китобига қизиқади. Уларга китоб мағзини чақиб, тушунтираман. Баъзилари суҳбатимни тинглаб туриб, қаерда ўқигансиз, деб сўрайдилар. Шунда ғурур билан «Ҳаёт университетиде» деб айтаман.

Китоб ўқинг, китоб сизни майда-чўйда ташвишлардан, майда гаплардан юксакроққа кўтарди.

Азиз ўқувчи, бугун айрим инсонларнинг ўқиган китоблари ҳақида сўзлашдик. Сиз қандай китоблар ўқигансиз, сизнинг ҳаётингизда ҳам китобнинг ўрни борми? Бу ҳақда биз билан ўртоқлашинг, бизга ёзиб юборинг. Бугун, одамлар китоб ўқимай қўйди, уларни ижтимоий тармоқлардаги олди-қочдилар, ғийбатлар қизиқтиради, деган гапларни кўп эшитамиз. Мен бу гапларга ишонмайман. Шунчаки, бизда китоб савдоси, китоблар рекламаси унчалик ҳам яхши йўлга қўйилмаган.

Инсон қай тариқа китобга меҳр қўяди, қай тариқа китобсевар бўлади? Агар азиз аёлларимиз ярим соат вақтларини болаларига китоб ўқиб беришга сарфласалар, китобсеварлар сафи кенгайди, оилада ёруғ бир муҳит пайдо бўлади. Аммо... ҳамма аёл ҳам китоб ўқирмикан, болалари учун қандай китоблар танлашни билармикан?!

Агар газетамиздаги ушбу саҳифани кузатиб борсангиз, биз сизга жуда яхши кўмакчи бўла оламиз, энг яхши китобларни тавсия қиламиз, дунёнинг ҳар чеккасида бирдек суюмли, қадрли бўлган асарлардан сизни хабардор қилиб борамиз.

Маънили сўз айтай десангиз, туйғуларингизни сўзда гўзал ифода этишни истасангиз, қалбларга йўл топмоқчи бўлсангиз, юракни забт этмоқ истасангиз – КИТОБ ЎҚИНГ!



Инобат ИБРОҲИМОВА,  
«Vatanparvar»

# ЎТМИШДА ҚОЛГАН МАЪЮС БОЛАЛИК

Туну кун қўрқувдан алаҳлаб уйғоқ,  
Ўлимга тик боқдинг маъсум ва мудроқ.  
Нажоткор ҳаётдан ўтдингми шундоқ,  
Ташналик, очликка маҳкум болалик.

Танангни ёқдилар жирканч ёвузлар,  
Инсон боласимас — улар тўнғизлар.  
Гўдак жонинг увולי тутган малъунлар,  
Қисматинг аянчли, машъум болалик.

О, бунча бешафқат тақдир битилган,  
Урушининг беомон йўли ўтилган.  
Қанчаси бенишон, гоҳ унутилган,  
Симтўсиқ ортида қолган болалик.



Нина Мартинова, Иван Гришков. Пойтахтимизнинг Яшнобод туманида истиқомат қилиб келаётган 84 ва 88 ёшли бу инсонлар учун болаликнинг шўх-шодон, бахтли кунлари бегона. Инсоният бошига кечириб бўлмас мусибатларни солган фашист босқинчилари уларни болалик бахтидан мосуво этишдек оғир жиноятга қўл уришган. Нина Мартинова ва Иван Гришковга ўхшаган тақдирлар минглаб, юз минглаб, ҳатто миллионлаб десак, адашмаймиз.

Орадан қарийб бир аср вақт ўтибдики, инсоният фашист босқинчилари томонидан амалга оширилган қабихлик ва ёвузликни унутмади. Мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, Ленинград қамали ва концентрацион лагерлар тутқунлигида бўлган инсонларга ҳамиша юксак ҳурмат-эҳтиром, эътибор кўрсатилиб келинади. Буюк ғалабанинг 76 йиллиги муносабати билан «Ғалаба боғи» ходимлари ва Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Ҳақимов ҳамроҳлигида Нина Мартинова ҳамда Иван Гришков хонадонида меҳмон бўлдилар. Ҳар икки фахрий меҳмонларга бошдан кечирган қийинчиликларни ҳикоя қилиб берар экан, кўрсатилаётган эътибор учун чин дилдан миннатдорчилик билдирдилар. Меҳмонларнинг ташрифидан боши кўкка етган онахон ва отахон Марат Ҳақимов билан биргаликда «Катюша», «Тёмная ночь», «День Победы» кўшиқларини кўтаринки кайфиятда ижро этдилар.

– Ленинград қамалининг азоб-уқубати, даҳшатини бошимдан кечирганман, – деб ҳикоя қилади Нина Мартинова. – Фашистлар шаҳарни бомбардирмон қилган пайтлар икки марта оёғимдан яраланганман. Уруш туфайли ота-онамдан айрилдим. Отам Федосей Скрипников фронтдан яраланиб қайтиб, Иванова шаҳридаги госпиталда вафот этган. Онам Марфа Скрипникова эса қамалда опам ва менинг ҳаётимни сақлаб қолиш учун очлик азобидан кўз юмган. Ота-онамдан эрта айрилганимиздан кейин бизни аввалига Саратов вилоятининг Богучанск районига, кейин Нижний Тагил шаҳридаги етимлар



уйига жойлаштиришди. 1952 йил Груня аммамининг таклифига кўра, Тошкентга кўчиб келганман. Ушандан буён Тошкентни иккинчи она юртим сифатида ардоқлаб, яшаб келмоқдаман...

1933 йилда Ростов вилоятининг Темирюк шаҳри, Курчанск станциясида туғилган Иван Гришков болаликнинг тўрт йилини немис концлагерларида ўтказди. Фашист босқинчилари Курчанскдаги ўнга яқин оилани икки ой давомида ташландиқ бинода очлик ва ташналик азобида қийнаб, уларни Минскдаги концлагерга жўнатган. Босқинчилар томонидан 8 ёшли Иван, онаси ва 5 яшар синглиси билан тутқунликка маҳкум этилди. Фашистлар кейинчалик Иванни Минскдан Кёнигсбергдаги концлагерга ўтказган. 1941 йил фронтга кетган отаси Павел Гришков Жанубий фронт таркибидаги 5-зарбдор армиянинг 34-гвардиячи ўқчи дивизия, 105-гвардиячи полкида, 1-Белоруссия фронтда эса 79-гвардиячи ўқчи дивизиянинг 83-гвардиячи алоҳида танкка қарши қирувчи дивизионида жанг қилган.

Ғалабани Германияда кутиб олган Павел Гришков «Жанговар хизматлари учун», «Жасорати учун» медаллари ва III даражали «Шон-шухрат» ордени билан тақдирланган. Кёнигсбергдаги концлагер тутқунлигидан озод этилган Иван Гришков 1962 йилдан буён Тошкентда истиқомат қилади.

## ЭЪТИРОФ

# «БУЮК ҒАЛАБА АВЛОДЛАР ХОТИРАСИДА»

Ўзбек халқининг фашизм устидан қозонилган буюк ғалабага қўшган беқиёс ҳиссасини ўзида акс эттирувчи «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси ва унинг таркибида фаолият кўрсата бошлаган «Шон-шараф» музейининг фаолиятига ҳали бир йил тўлмай, ушбу маскан юртдошларимиз ҳамда пойтахтимиз меҳмонларининг севимли зиёратгоҳига айланди.

Ўтган давр мобайнида мажмуа ва музей ўзбекистонлик жангчиларнинг қаҳрамонликларидан ҳикоя қилувчи янги-янги экспонатлар билан бойиди, бойитилиб борилмоқда. Энг муҳими – бу ерда барча авлод вакиллари иштирокида ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тадбирларнинг ўтказилиши аниқанага айлангани барчани бирдек қувонтиради. Аждодлар жасоратини абадийлаштириш учун ҳар бир юртдошимиз ўз яқинлари билан боғлиқ хотираларга муносиб ҳиссасини қўшаётгани алоҳида эътиборга молик.

Ўтган йили Рихси Алимов ташаббуси билан «Буюк ғалаба авлодлар хотирасида» номли китоб чоп этилганди. Мазкур китоб ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан Россия Федерациясида ҳам 500 нусхада соҳа вакилларига тақдим этилди. Шу муносабат билан Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси вакили Сергей Игнатенко китобда хотиралари чоп этилган уруш қаҳрамонларининг фарзандларига «Ғалабанинг 75 йиллиги» кўкрак нишонини топширди.

«Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасида бўлиб ўтган ушбу тадбирда



фахрийлар, жамоатчилик вакиллари, ҳарбий хизматчилар, Яшнобод тумани 153-умумтаълим мактабининг «Олимп-Лидер» ҳарбий спорт клуби ёшлари ва ҳарбий оркестр жамоаси иштирок этди. Россия элчихонаси вакили Сергей Игнатенко кўкрак нишонларини ўз эгаларига топшириш маросимида ўзбек халқининг фронт ва фронт ортида ғалабага қўшган улкан ҳиссаси ҳақида, шунингдек, Ўзбекистонга эвакуация қилинган аҳолига, етим болаларга

кўрсатилган ғамхўрлик, бағрикенглик хусусида фикр юритди.

...Армоним йўқ битта кўрсам деб,  
Йиғлаб-йиғлаб ўтдилар онам.

Эшик пойлаб келиб қолар деб,  
Армон билан ўтдилар отам...

Тадбир қатнашчиси ва «Ғалабанинг 75 йиллиги» кўкрак нишони билан тақдирланган Муқаддас Солиҳованинг ушбу жумлалари йиғилганларга урушнинг аянчли оқибатларини ёдга солди.

МАРДЛИК – МАНГУЛИК

# «ЧИДА, ЖАНГЧИ, ҲАЛИ ЯШАЙСАН!»

9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида уруш фахрийлари хонадонида меҳмон бўлар эканмиз, ҳар сафар бир-бирига ўхшамаган тақдирлар ва қаҳрамонликлар ҳақидаги хотираларни тинглаймиз. Кимдир танкчи, яна кимдир учувчи ёки разведкачи, артиллериячи, пиеда қўшин жангчилари ва ҳоказо...



Мудофаа вазирлиги ва Мирзо Улуғбек тумани мудофаа ишлари бўлими офицерлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Ҳакимов, шифокорлар, маҳалла фаоллари ҳамда ёшлар ҳамроҳлигида бу сафар Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида ярадорлар жонини сақлаб қолишда жонбозлик кўрсатган Владимир Чмыхун хонадонида меҳмон бўлдик. Мирзо Улуғбек тумани «Алпомиш» маҳалласида истиқомат қилиб келатган 99 ёшли истеъфодаги тиббий хизмат полковниги Владимир Чмыхун ташрифдан жуда мамнун бўлди. Уруш

фахрийси ўзига аталган совғаларни қабул қилиб олар-олмас, бирин-кетин фронтдаги хотиралари ҳақида гапириб берди.

– 1922 йил 10 июлда Украинанинг Одесса вилояти Добровеличковск тумани, Новолутково қишлоғида туғилганман. Мактабни тугатишим билан 1941 йилнинг 7 июлида ҳарбий хизматга чақирилиб, тиббиёт фельдшери бўйича тайёргарлик курсида

ўқидим. Тайёргарлик курсидан кейин 43-армиянинг 358-ўқчи дивизияси 1191-ўқчи полки таркибидаги 22-алоҳида санитар ротаси таркибида фронтга жўнатилдим. 43-армия Ғарбий, Калинин, 1-Болтиқбўйи, 2- ва 3-Белоруссия фронтларида Смоленск ва Москва ҳимоясидан кейин, фашист босқинчиларига қарши ҳужум жангларини бошлаб юбордик. Белоруссия ва Болтиқбўйи шаҳарларини озод қилиб, Шарқий Пруссияга кириб бордик. Ғалабани Кёнигсбергда кутиб олдим. 22-алоҳида санитар ротамиз тиббий ходимлари уруш майдонларида қанча-қанча жангчиларнинг

ҳаётини сақлаб қолди. Яраланганларни жанг майдонидан олиб чиқиш давомида «Чида, жангчи, ҳали яшайсан!» деган сўзлар билан тинчлантиришга, ҳаётга умид уйғотишга ҳаракат қилардик. Бу ибора, ротамизнинг барча тиббиёт

ходимларига ёд бўлиб кетган эди. Афсуски, уруш қурбонларсиз бўлмайди. Не-не азамат, навқирон йигитлар кўлимизда жон берган...

– Кёнигсбергни фашистлардан озод қилганимиздан кейин Узоқ Шарқ фронтларида япон урушида қатнашдим. Кўрсатган хизматларим учун II даражали «Ватан уруши» ва икки марта «Қизил Юлдуз» орденлари, шунингдек, бир қанча медаллар билан тақдирландим. Урушдан кейин ҳарбий хизматдаги фаолиятимни

давом эттирдим. Тошкентга келиб, ҳарбий госпиталь лабораториясида 1975 йилгача ишладим.

– 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни биз, уруш фахрийлари учун ўзгача байрам. Умумхалқ байрами арафасида давлатимиз раҳбари Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан берилган фармон ва қарор мен сингари барча Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини бирдек қувонтирди. Буюк ғалабанинг 76 йиллигини муносиб нишонлаш ҳақидаги фармонга кўра, уруш қатнашчилари ва ногиронлари 12 миллион сўм миқдорда моддий рағбатлантирилиши, республикамиз ҳудудидаги санаторийларга бепул йўлланмалар берилиши бизга кўрсатилган ғамхўрлик, бағрикенглик намунаси бўлди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Ҳакимов томонидан ижро этилган кўшиқлар 99 ёшли уруш фахрийси учун ўзига хос тўхфа бўлди. Гуруҳдаги шифокор ота-хоннинг соғлигини текшириб, керакли тавсияларни берди.

Фазлиддин ЧОРИЕВ

ЭЪЗОЗ

## 103 ЁШЛИ УРУШ ҚАТНАШЧИСИ ХОНАДОНИДА

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони полковник Фарҳоджон Шерматов кенг жамоатчилик вакиллари билан 103 баҳорни қаршилаган хоразмлик Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Самандар ота Худойберганов ҳолидан хабар олди.

Хива туманидаги Саёт маҳалласининг Рўздат Мадаминов жамоа ҳўжалигида истиқомат қилаётган Самандар ота Хоразм вилоятининг фахри, ҳақиқий ватанпарвар, элсевар, обрўли инсонларидан биридир. 1919 йилнинг 15 январь санасида таваллуд топган отахон бугун 103 ёшда, фарзандлари, неварачеваралари даврасида тинчлик ва осойишталикка шукрона келтириб, роҳат-фароғатда ҳаёт кечиряпти.

Тақдир тақозоси билан Самандар отанинг ёшлиги урушнинг суронли йилларига тўғри келди. Тўғрироғи, уруш, талафотлар, очарчилик, қийинчиликлар Самандар отанинг ёшлигини «ўғирлаб», эрта улғайишига сабаб бўлди.

Уруш қатнашчиси 103 ёшни хатлаб, кўзларидан нур қочиб, қулоқлари оғирлашиб қолган

бўлса-да, фикру хаёли теран, хотираси мустаҳкам. Урушда кўрган-кечирганлари тўлиқ санасигача ҳамон ёдида.

Самандар ота 1933 йилда бошланғич маълумотни эгаллаб, жамоа ҳўжалигида табелчи бўлиб ишлай бошлади. 1939 йил ҳарбий хизматга чақирилди. Ватан олдидаги йигитлик бурчини Қримда ўтай бошлади. Самандар ота хизмат қилган мотоўқчилар полки Украина фронтига сафарбар этилди. Шундай қилиб, уруш қатнашчиси Киев, Николаев, Ростов, Харьков, Днепропетровск, Гомель, Брест шаҳарларини фашистлардан озод қилишда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатди. Уруш йилларини тилга олган отахон кўрган-кечирганларини сўзлар экан, бугунги дорилармон кунларга шукроналар келтирди.

Отахон урушда бир неча бор душман снарядларидан яраланиб, дала госпиталлари ва тиббиёт пунктларида даволаниб чикди.

Самандар отанинг хотираларидан: «...жанг борган сари кучаярди. Ҳаммаёқни чанг-тўзон, тўс-тўполон тутиб кетган. Кимдир окопларда, снаряд ва ўқларнинг зарбидан инграб ётарди, кимдир ўзида жасорат топиб, душман томон ваҳожат билан ўқ узарди. Борлиқ ларзага келиб, ҳеч нарса кўринмай қолганди. Шу тобда бир неча кун жанг қилдик, йўқотишлар кўп бўлди. Аскарларнинг тинкаси қуриб, ҳаётдан нажоти қолмаётганди.

Жанг тугагандан кейин анча вақт оч-наҳор қолишга мажбур бўлдик. Дўстим Толибой ҳамда яна икки нафар жангчи билан окопда мадор-

сиз ётиб, ўй-хаёл суриб турганда кўққисдан душман миномётидан отилган снаряд келиб, ёнгинамизга тушди. Тушди-ю, кучли портлаш натижасида бизни ҳар ёнга сочиб ташлади. Оғир яраланишдан қанча вақт беҳуш ётганимни билмайман. Ўзимга келсам, на иккала жангчидан, на дўстимдан садо чиқарди».

Самандар ота ўша воқеада оғир жароҳат олган эди. Санитарлар отани ҳам ҳалок бўлган деб ўйлайдилар. Энг ачинарлиси, қўмондонлик унинг уйига «қора хат» юборишга улгурган эди. Уйда яқинлари аза тутиб, Самандар отанинг маъракаларини ҳам ўтказишган.

Уйига меҳмон бўлиб келган ҳарбий хизматчилар билан Самандар ота анча суҳбат қурди. Бугунги тинч заминда яшаётганимизнинг қадрини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмастлигини таъкидлаб, дуога қўл очди.

Нукус гарнизони ҳарбий оркестри отахонга уруш йилларидаги қуйларни чалиб, дилини хушнуд этди. Кўксини талайгина медаллар тўлдириб турган отахон ҳаммага ўз миннатдорчилигини билдирди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати



Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигида «Намунали ҳарбийлар оиласи» кўрик-танловининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Онлайн тарзда ўтган тадбирда етти оила уч йўналишда ўзаро беллашди.

## ОЛТИН ҚЎРҒОН ЭГАЛАРИ БЕЛЛАШДИЛАР

«Мустаҳкам оила – жамият таянчи», «Ота – оила устуни», «Фарзандим – дилбандим» шартларига пухта тайёргарлик кўрган оилалар ўз истеъодларини ҳар томонлама намойиш этишди. Уларнинг онлайн тарздаги ҳар бир чиқишини Мудофаа вазирлиги хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўйича бош мутахассис Зулфия Мансурова бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати аъзолари одилона баҳолаб борди.

Қизиқарли ва мурасасиз тарзда ўтказилган кўрик-танлов ўз қаҳрамонларини, яъни намунали ва истеъодли оилаларни кашф этди. Шаффоф баҳолаш мезонига кўра, биринчи ўрин ғолиблигига катта лейтенант Муродулло Жамилов оиласи муносиб топилди ва республика босқичига йўлланма олди. Иккинчи ўринни сержант Олим Саъдинов оиласи эгаллади. Учинчи ўрин ғолиблиги кичик сержант Дилшод Маҳмудов оиласига насиб этди. Қолган танлов иштирокчилари «Актёрлик маҳорати ривожланган ҳарбий оила», «Энг аҳил ҳарбий оила», «Энг билимдон ҳарбий оила» ҳамда «Энг қувноқ ҳарбий оила» номинацияларига эгалик қилишди.



– Ушбу кўрик-танловнинг барча ғолиб ва иштирокчилари диплом, фахрий ёрлик ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланди, – дейди қўмондонликнинг хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассиси Дилбар Ҳусанова. – Кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланма олган катта лейтенант Жамиловлар оиласига эса омад тилаймиз. Улар қўмондонлик шарафини муносиб ҳимоя қилади.

**Зулфия ЮНУСОВА,**  
«Vatanparvar»

## ОКРУГ БОСҚИЧИ ЎТКАЗИЛДИ

Нукус гарнизони Маънавият ва маърифат марказида Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари миқёсида «Намунали ҳарбийлар оиласи» танловининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Нукус ва Урганч гарнизонларидан энг намунали деб топилган тўрт нафар ҳарбий оила танлов шартларида соғлом рақобат тамойили асосида ўзаро беллашиб, ҳарбий қисмларининг шарафини муносиб ҳимоя қилди.



«Фарзандим – дилбандим» шарида спортчи, санъаткор, тафаккури юксак бўлган болажонлар саҳнада ўз иқтидорларини кўрсатишди.

Малакали ҳайъат аъзолари ғолибларни адолат мезонлари асосида аниқладилар. Шундай қилиб, мутлақ ғолиблик Нукус гарнизонидан III даражали сержант Баҳром Омонов оиласига насиб этди.

Танлов иштирокчиларига Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлигининг диплом, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди.

**Шимоли-ғарбий ҳарбий округ**  
матбуот хизмати

## ҲАРБИЙ ҚИСМДА ҚУТЛУҒ САНА

Тошкент вилоятида жойлашган учувчилар ҳарбий қисми бундан роппа-роса тўрт йил олдин мамлакатимиз Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган.



Шу қутлуғ сана муносабати билан Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги тасарруфидаги ушбу ҳарбий қисмда тантанали тадбир ўтказилди. Ҳарбий хизматчилар, фахрийлар, курсантлар, Қуролли Кучлар хизматчилари ва санъат усталари иштирок этган тадбирда сўзга чиққанлар ихчам, тезкор ва юқори жанговар шайликка эга учиш амалиётини ўзида мужассам этган мазкур ҳарбий қисм само сарҳадларини ишончли кўриқлашда муҳим ўрин тутганини таъкидлади. Замонавий вертолёт ва бошқа учиш аппаратлари билан таъминланган ҳарбий қисм моҳир экипажларни тайёрлаш, ноқонуний қуролланган гуруҳларга ҳаводан зарба бериш, умуман, берилган вазифани ўз вақтида сифатли ва самарали бажаришга қодир.

Пандемия даврида ҳамда ўтган йили содир бўлган табиий ва техноген тусдаги офатлар оқибатида аҳолига етказилган талафотларни бартараф этишда ушбу ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари жонбозлик кўрсатди. Шу кунга қадар бу ерда Ватан олдидаги бурчини сидқидилдан бажариб, ўзининг жасур ва мардлигини кўрсатган бир гуруҳ юрт ҳимоячилари II даражали «Шон-шараф», «Мардлик», «Дўстлик» орденлари, «Жасорат», «Содиқ хизматлари учун» медаллари билан мукофотланган.

– Ҳозирги кунда ёш авиаторлар ўз билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида моҳир ҳамда илғор тажрибага эга устозларидан замонавий типдаги вертолётларда учиш сир-синоатларини мунтазам ўрганиб келмоқда, – дейди подполковник Шодмон Нуриллаев. – Замонавий талабларга жавоб берадиган, пухта тайёргарликка эга лочинларимиз давлатимиз суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, аҳолининг осуда ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш бўйича ўз олдига қўйилган вазифаларни бекаму кўст бажариш имкониятига эга.

Тадбирда ҳарбий қисм ташкил этилганининг 4 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирланди. Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантларининг кўргазмали чиқишлари, ҳарбий оркестр ва хушовоз хонандаларнинг дилтортар куй-қўшиқлари барчага байрамона кайфият улашди.

**Лейтенант Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,**  
«Vatanparvar»

## ҚАРОР ВА ИЖРО

Жорий йилнинг 13 апрелида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилиш мобайнида ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этишга доир қатор вазифалар белгиланди. Жумладан:

- 1 майдан бошлаб ёшларни ишга қабул қилган корхоналарга ушбу ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ қайтариб берилди;
- биринчи марта ишга кирган касб-хунар маркази битирувчилари 6 ойгача даромад солиғи тўлашдан озод этилади;
- ижарага бино олиб, ўз бизнесини бошлаётган ёшларга, бир йиллик ижара суммасининг 30 фоизгача қисми қоплаб берилди;
- 1 июндан бошлаб «Ёшлар дафтари»га кирганларнинг хорижий тиллар ва умумтаълим фанлари бўйича нодавлат таълим ташкилотларида ўқиши харажатининг бир қисми қоплаб берилди;
- ёшларнинг профессионал таълим мактаблари, техникумларда ўқиши учун тўланадиган контракт суммаси даромад солиғидан озод қилинади ва ҳоказолар.

Шу билан бирга 1 июндан «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар ва Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш харажатлари бюджетдан тўлаб берилиши ҳам таъкидлаб ўтилди.

Маълумки, 2021 йил мамлакатимизда «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили», деб номланиб, бу борада Давлат дастури қабул қилинди. Унинг 170-бандида Ўзбекистон Республикаси мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти зиммасига ёшларни меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган касбларга ўқитишни



## «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИ ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙМОҚДА

таъминлаш вазифаси юклатилди. Шу ва ҳукуматнинг тегишли топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида, «Ватанпарвар» ташкилоти томонидан республикамиз миқёсида ёшларни меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган касбларга ўқитиш 3 босқичда амалга оширилиши режалаштирилди:

1-босқичда шу йилнинг апрель ойидан бошлаб фуқароларни «Ватанпарвар» ташкилотининг «Ҳайдовчилар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари»да «В», «ВС», «С», «D», «E» тоифалари бўйича ўқитилиши йўлга қўйилиши;

2-босқичда август ойидан «Техник хизмат кўрсатиш курслари» ташкил этилиб, ёшлар 5 хил касбга – вулканизатор, электрик-аккумуляторчи, газ-электр пайвандчи, чилангар, автоэлектрик мутахассисликлари бўйича ўқитилиши мўлжалланмоқда;

3-босқичда декабрь ойидан бошлаб «Мураккаб техникаларни бошқариш курслари» йўлга қўйилиб, ушбу курсларда юк ортувчи транспорт, автогидро-подъёмник, юк машинаси крани, ғилдиракли трактор, битта ковшли экскаватор техникаларини бошқариш бўйича ўқитилиши кутилмоқда.

Эътиборлиси, «Ёшлар дафтари» ва «Темир дафтар»га киритилган фуқаролар юқоридаги касбларга бепул ўқитилиши режалаштирилган.

Ушбу хайрли ишнинг дебосаси сифатида жорий йилнинг 10 март куни республикамиз миқёсида «Ёшлар дафтари»га рўйхатга киритилган 56 нафар ёшга (ҳар бир вилоятдан 4 тадан) «Ватанпарвар» ташкилоти автомактабларида бепул ўқиш учун сертификат топширилди. Ҳозирда ушбу ёшларнинг ўқиш харажатлари ташкилотнинг моддий базаси ҳисобидан тўлиқ қопланиб, сўнгги русумдаги замонавий технологиялар билан жиҳозланган автотототранспорт курсларида таҳсил олишмоқда. Шу билан бирга, эҳтиёжманд ёшларни ўз ичига олган навбатдаги ўқувчилар гуруҳлари ҳам шакллантирилмоқда. Ташкилот 2021 йилнинг охиригача 14 755 нафар ҳайдовчи тайёрлашни режалаштирган. «Ватанпарвар» ташкилоти нодавлат нотижорат ташкилот сифатида бу борада Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги билан ижтимоий шериклик асосида мустақам ҳамкорликни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти «Ёшлар дафтари»даги ва Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган фуқаролар ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш харажатлари тўлаб берилиши ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлайди ва республика бўйлаб ўз тасарруфидаги 300 га яқин автотототранспорт курсларида уларга ҳайдовчилик бўйича сифатли таълим беришга тайёрлигини ҳам билдиради.



Бунинг учун ҳайдовчилар тайёрлаш бўйича ўттиз йиллик тажрибага эга «Ватанпарвар» ташкилоти автомактабларининг моддий-техник базалари, ўқув методикалари, ўқитувчилари ва ҳайдовчи-инструкторларининг малакалари халқаро стандарт талабларига тўла жавоб беради. Қолаверса, жорий йилнинг бошида «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳудудий кенгашлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлар ҳокимликлари ўртасида шериклик соҳасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битимлари тузилган бўлиб, ушбу битимларга мувофиқ, республикада ҳарбий-ватанпарварлик, спортнинг техник ва амалий турларини оммалаштириш, ёшларни касбга тайёрлаш ишлари билан бирга, ташкилотнинг жойлардаги бўлинмалари моддий-техник базаларини ривожлантириш ишлари бошлаб юборилган.

Ўзбекистон Республикаси мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти автомактабларининг афзаллиги шундаки, ҳайдовчиликка тайёрланаётган ёшлар нафақат касбга ўқитилади, балки улар орасида мунтазам равишда ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботлари олиб борилади ҳамда улар автокросс, монокросс, картинг, триатлон, дуатлон, ёзги биатлон, ҳарбий амалий кўпкураш, ҳаво милтиғидан ўқ отиш, авиамодель, ракетамодел, кемамодел, радиоспорт каби спортнинг техник ва амалий турларига жалб этиб борилади. Бир сўз билан айтганда, ёшларни моҳир ҳайдовчи этиб тайёрлаш билан бирга, жамиятнинг фаол ва ватанпарвар фуқароси бўлиб етишишига эътибор қаратилади.

Жамиятимиз Янги Ўзбекистон – Янги Ренессанс сари олға қадам қўяр экан, «Ватанпарвар» ташкилоти давлатимиз раҳбари ва ҳукумат томонидан қўйилаётган топшириқларни муддатида сифатли бажариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этади.

**Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши матбуот хизмати**

## МУСОБАҚА

## МОТОКРОСС

## ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Яккасарой ЎСТК унитар корхонаси ташаббуси билан пневматик қўролдан ўқ отиш бўйича спорт мусобақаси ўтказилди.



Тадбир сўнггида ғолиб ва совриндор ўқувчилар «Ватанпарвар» ташкилоти Яккасарой ЎСТК унитар корхонаси томонидан эсдалик совғалар билан тақдирланди.

**Муҳаррам ҚУДРАТОВА, «Ватанпарвар» ташкилоти Яккасарой ЎСТК УК бош мутахассиси**

Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент вилояти кенгаши тасарруфидаги Олмалик автомобиль мактаби томонидан монокросс спорти бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон кубоги чемпионатида старт берилди.



## АБРОРБЕК – БИРИНЧИ ЎРИН СОҶИБИ

Монокросс бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақасида Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах, Андижон, Наманган, Хоразм ва Тошкент вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон ва Тошкент шаҳар терма жамоалари, жами 120 дан зиёд спортчи қатнашди.

Тошкент вилояти терма жамоаси вакили Аброрбек Жуманов ўз синфида биринчи ўринни

эгаллаган бўлса, Сурхондарё вилояти спортчиси Жавлонбек Умаров иккинчи ўринга ва учинчи ўринга қорақалпоғистонлик спортчи Беғарис Айтбаев сазовор бўлди.

Тошкент вилояти терма жамоаси вакили Аброрбек Жуманов олий таълим муассасаларига тест синовлари ва қўшимча имтиҳонларсиз ўқишга кириш ҳуқуқини қўлга киритди.

Шунингдек, мусобақалар давомида ёш тоифасида ҳам ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, муносиб рағбатлантирилди.

**Нурбек ОТАҚЎЗИЕВ**

# ҚАЛБЛАРГА ЙЎЛ ТОПГАН МУСОҲИБ

Бугун жамиятимизда ҳар бир соҳада олиб борилаётган ислохотларни ёритишда босма оммавий ахборот воситалари – газета ва журналлар ҳар қачонгидан фаол. Босма нашрлар ҳар бир маълумотни саралаб, чуқур ва атрофлича таҳрир қилиб, таҳририят нуқтаи назаридан ёндашиб, аини чоғда холис тарзда аҳолига етказётгани билан ажралиб туради.

Шундай нашрлар ичида салкам ўттиз ёшни қаршилаётган навқирон «Vatanparvar» газетаси ҳам борлиги қувонарли. Камина ҳарбий бўлмасам-да, ҳарбийлар ҳаётига қизиқаман. Касбим тақозоси билан бирга, қалб тақозосига мувофиқ, айрим нашрларни алоҳида эътибор билан кузатиб бораман. Булар орасида «Vatanparvar» ҳам бор. Вилоят «Матбуот тарқатувчи» жамиятининг обуна бўлими сараловчиси бор – Муҳаммадюсуф Тоштемиров. Мен кези келса, якшанба куни ҳам келиб, ишловчи бу фидойи инсонни «Хазинабон» дейман. Сабаби, вилоятга келган ҳар бир нашр аввало, шу инсон ва ҳамкасблари қўлидан ўтади.

Ҳар гал бир қанча нашрлар қатори, «Vatanparvar» газетасини ҳам олиб, интиқлик билан кўздан кечираман. Ушбу нашрнинг тезкорлиги, ранг-баранглиги, кенг қамрови менга жуда ёқади. Газета бугунги кунда юртимиз ҳарбийлари, уларга яратилаётган шарт-шароитлар, хорижлик ҳамкасблар билан олиб борилаётган ўқув-тактик машқлар ҳақида бир-бирдан сара материалларни бизларга илиниб келмоқда. Ҳарбий округ матбуот хизматлари хабарлари, таҳририят аъзоларининг чиқишлари баробарида, чет муаллифларга ҳам ўрин ажратилаётгани бу – яхши. Айниқса, қаламқаш бўлганим боис, газетадаги адабий-бадий, маънавий саҳифаларни жуда катта иштиёқ билан мутолаа қиламан. Алишер



Навоий, Бобур Мирзо, Назармат, Дукчи Эшон, Худойберди Тўхтабоев кабилар ҳақидаги мақолалар янги маълумотларни ўз ичига олганлиги, ҳар қандай адабиёт мухлиси ва муаллими учун ҳам дарслиқдан ташқари қўлланма бўла олиши билан аҳамиятли. Болажонлар учун берилаётган саҳифаларда кичкинтойларнинг қалбига йўл топадиган жажжи шеърлар, эртақлар, сўнги саҳифа хикматлари – бари-бари туздек татимли, таомдек тансиқ. Бу борада заҳмат чекаётган таҳририят ижодий гуруҳига, хусусан, бадий ижод бобида ҳам юртимизда ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб бораётган Бобур Элмуродов, Исломжон Қўчқоров, Гулнора Ҳожимуродова, Зулфия Юнусова, Инобат Иброҳимова, Асрор Рўзибоев ва Дилшод Рўзиқуловга самимий миннатдорчилик билдириб, келгуси ижод ва ҳаётида равнақ тилайман.

Куни кеча менга, гўё байрам бўлди: Муҳаммадюсуф ака «Vatanparvar»нинг сиёҳи қуримаган 15-сонини менга армуғон қилди!

Саҳифаларни варақларканман, юртимиз ҳарбийлари ҳаётидан ҳикоя қилувчи жонли репортажлар (Азиз Норқулов, Ортиқ Муродов ва бошқалар), «Армон», «Лашкарбоши», «Йигирма бир ёшли қаҳрамон» каби материалларни мутолаа қилиб, завқ туйдим.

Инобат Иброҳимованинг Олий Мажлис Сенати аъзоси, таниқли шоир ва адиб, андижонликлар-

нинг ҳам қалб қадрдони Фармон Тошев – Қарнабий ҳақидаги «Келинг, китоб ўқиймиз» рўқни остидаги «Шовуллаган бир азим дарё» очерки ҳам эътиборга молик. Дарҳақиқат, Фармон ака ҳақида ҳар қанча гапирса оз. Сермаҳсул муҳаррир-ижодкор арбобнинг «Ҳоким» сингари жозибали қиссалари, ҳикоя ва саҳна асарлари, айниқса, бир қанча хонандалар томонидан куйланаётган шеърлари, «Ғазал маъни, ғазал санъат» мумтоз асарлар девони бугун қўлма-қўл. Бу изланувчан муҳаррир сабаб, вилоят газетаси кунба-кун олға қараб бораётир. Фармон Тошевнинг инсоний жиҳатлари ҳам бетакрор. Буларнинг ҳаммасини жамлаб, бир китоб тасниф этса арзийди.

Улуғ Соҳибқирон бобомиз ҳақидаги материаллар, никоҳ ва аёл, Испания Ҳарбий ҳаво кучлари,

муқаддам сонларда берилган замонавий ҳарбий техника янгиликлари ҳам ҳуснга холдек ярашиб тушган. Қисқаси, 24 саҳифанинг ҳар бири бир олам. Қатор муаллифлар «O`zbekiston armiyasi» журналида ҳам фаол қатнашиб, ҳар икки нашрнинг мазмун жиҳатдан тобора рангдор ва жозибали бўлишига ҳисса қўшаётирлар. Фурбатдан фойдаланиб, бугунгидек муқаддас айёмнинг файзли кунларида таҳририят жамоасига ўз эзгу тилақларимни йўллайман. Шижоатли, сергак, жисмонан ва маънан етук, юксак салоҳиятли ҳарбийларимиз ҳаётини ёритаётган, уларнинг ва мен каби кўплаб мухлисларнинг ҳам севимли мусоҳиби бўлмиш «Vatanparvar»га янада ёрқин истиқбол тилаб, узоқ йиллар бугунгидек бизларни йўқлаб туришига тилақдошман.

**Икромжон АСЛИЙ,**  
Ўзбекистон «Юрт келажаги»  
танлови ғолиби, шоир,  
«Адолат мезони» газетаси  
махсус муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Кичик мутахассисларни тайёрлаш маркази қўмондонлиги ва ҳарбий хизматчилари Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари хонадонига бориб, уларнинг ҳолидан хабар олмоқда.

## ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК — ИНСОНИЙ БУРЧ

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Михаил Колмогоров 1925 йил Россиянинг Новосибирск шаҳрида туғилган, бугунги кунда Самарқанд шаҳар Боғи Темур маҳалласи, Исаев кўчаси, 31-хонадонда истиқомат қилиб келяпти.

Сўхбат давомида I даражали «Меҳнат фахрийси» кўрак нишони соҳиби Михаил Васильевич меҳмонларга фронтда кечган хотираларидан сўзлаб берди.

Михаил Васильевич кўнглини хушнуд қилиш учун Самарқанд гарнизони ҳарбий оркестр жамоасининг куй-қўшиқлари ва болажонларнинг кўргазмалари чиқишлари намойиш этилди. Бир гуруҳ ҳарбийлар томонидан хонадондаги томорқа ерлари юмшатилади, ҳовли атрофи ва ариқлар тозаланиб, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Шунингдек, қаҳрамонимиз ва унинг оила аъзолари тиббий кўриқдан ўтказилди ва керакли тавсиялар ҳамда дори-дармонлар, бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари берилди.

– Бизга берилаётган имтиёз ва эътибордан жуда ҳам миннатдорман. Ҳарбийларга қараб, ёшлигимни кўргандек бўлдим ҳамда уларнинг ташрифидан кўнглим тоғдек кўтарилди, – дейди 96 ёшни қаршилаётган Михаил Васильевич.

**Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар  
Хайрулло ЎЛМАСОВ, марказ пресс-атташеси**



## ЧЕМПИОНАТ КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТДИ

Шарқий ҳарбий округ «Фарғона» дала-ўқув майдонида Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг эркин учар ва радиобошқарувли авиамодель спорт тури бўйича чемпионати бўлиб ўтди.

Унда 12 та вилоятдан 13 та жамоа иштирок этди. Жамоалар 5 та йўналиш бўйича баҳс олиб борди. Чемпионат давомида спорт техникалари, жиҳозлари ҳамда моделлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Шунингдек, Шарқий ҳарбий округ Маънавият ва маърифат маркази ҳамда вилоят маданият бошқармасининг яккахон хонандалари, бадий ва ҳаваскорлик гуруҳларининг мусиқали чиқишлари намойиш этилди.

Мусобақанинг тақдирлаш маросими Шарқий ҳарбий округ Маънавият ва маърифат марказида бўлиб ўтди.

Умумжамоа ҳисобида 1-ўринни Тошкент вилояти жамоаси қўлга киритган бўлса, 2-ўринга Фарғона ва 3-ўринга Андижон вилоятлари жамоалари сазовор бўлди.

Ғолиб ва совриндор спортчи ҳамда жамоаларга «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгашининг дипломи ва Фарғона вилояти кенгашининг эсдалик совгалари топширилди.



**Шарқий ҳарбий округ матбуот хизмати**



## МУНОСАБАТ

# «ДОИМО ВАТАН ЭЪЗОЗИДАМИЗ»

– Мен 1925 йилнинг 1 январь куни Қўқон шаҳрида туғилганман. 1942 йили 17 ёшимда қўлимга қурол олиб, Ватан ҳимояси учун фронтга йўл олган эдим. Аввал 1-Украина фронтида ўқчи батальонида душманга қарши кураш олиб бордим. Шундан сўнг сафдош дўстларим билан даҳшатли ва бешафқат уруш ўчоғлари бўлган Украина, Белоруссия, Польша тупроқларини фашист қўлидан озод қилдик.

Урушни кўрмай туриб, у ҳақда турли-туман гаплар эшитардик. Болалар билан «уруш-уруш» ўйнардик. У пайтлари иккита одам бир бўлиб қолса, албатта, уруш ҳақида гапирларди. Бошқа нима ҳақида ҳам гаплашиш мумкин ахир? Отанг урушда, оғаларинг урушда, жигарларинг жон олиб, жон бериб ётибди, «қора хат»ларнинг ҳам охири кўринмайди. Лекин унинг асл даҳшатини уруш ўчоқларига кириб борганимиздан кейингина кўрдик.

Одам урушда қон кечиб юривериб, дунёнинг фақат ва фақат қора рангларига беланавериб, дийдаси қаттиқлашиб кетаверар экан. Ўша пайтлари гўзал водийнинг сўлим боғларини, меҳрибон инсонларини эслардим. Бу менга доим куч берарди. Худога минг карра шукрлар бўлсин, бугун ўша кунларнинг бари ортда қолди.

Урушдан сўнг жангларда кўрсатган қаҳрамонликларим учун I даражали «Ватан уруши» ордени ва «Жасорат» медали каби кўплаб мукофотлар билан тақдирландим. Тақдир экан, 1970 йили оила аъзоларим билан Тошкент шаҳрига кўчиб келдим. Ҳозир Зангиота туманининг Хонобод маҳалласида яшайман. Узоқ йиллар давомида деҳқончилик ва новвойлик қилдим. Болаларимни ҳалол ризқ билан катта қилдим.

Уйимиздан ҳарбийларнинг қадами узилмайди. Доим совға-саломлар билан хабар олиб туришади. Барака топишсин. Кеча телевизорда Президентимизнинг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини тақдирлаш ҳақидаги



фармонини ўқиб эшиттирди. Бизга 12 миллион сўмдан пул мукофоти бериларкан. Буни эшитиб, албатта, хурсанд бўлдик. Аслида-ку, гап пулда ҳам эмас. Ҳамма гап Ватаннинг эъзозиди эканлигимизда. Бизни ҳурмат қилиб, ардоқлаётган барчага мингдан-минг раҳмат!

**Эсонали МЎЙДИНОВ,**  
Иккинчи жаҳон уруши  
қатнашчиси



## РУҲИЯТ

# «ОНАМНИНГ ҲАРБИЙ ҚИЗИМАН»

*Тун... Бехосдан уйғониб кетдим. Онам тушимга кирибди. «Жажжи қизим», дея пешонамдан силаб ўтирганмиш... Соғинч ҳисси юрагимни ўртади. Уйдан келганимга ҳали бир ҳафта бўлмаса-да, онамни соғиндим. Кўрган тушим сабаб бўлиб беихтиёр беғубор болалигимга қайтдим...*

Ёшлигим ажойиб ўтган. Шўхлигим, қувноклигим ва қизиқувчанлигим билан ҳамманинг эътиборини тортардим. Бунга кичик нарсалардан ҳам дунёларча завқланишим сабабдир балки... Расмни жуда яхши чизардим. Буни кўрган яқинларим «бўлажак рассом», дейишарди, мен эса ҳозиржавоблик билан, «дизайнер бўламан», дердим. Севимли касбим сари илк қўйган қадамим ва қатъиятли сўзларим ҳали ҳам кечагидек эсимда. Ўшанда акам ички ишлар тизимига ишга киргани ва у уйга илк маротаба масъулият формасида (ўзимча бу формани шундай атар эдим) келди! Оиламиздагиларнинг қувонганини кўрсангиз эди. Отам акамни узоқ дуо қилди, ойим эса акамнинг елкасига бошини қўйиб, гоҳ кулиб, гоҳ йиғларди. Чунки акам бобомнинг шарафли касби давомчиси бўлгани...

## Масъулият либоси

Онам шундай хикоя қилади:

– Ёшлигимда кўпчилик дугоналарим менга ҳавас қилар эди. Сабаби отам маҳалла ноизи эдилар. Отамнинг ишдан келишларини интизорлик билан кутардим. Келибоқ, «Она қизим, аччиққина кўк чой дамланг», дерди ва хизмат формасини қўлимга тутқазиб, «Масъу-

лиятни зимангизга олинг», дерди. Отамнинг формасига ҳавасим келарди, ҳатто бир гал кийиб кўрганман. Бора-бора менда ҳам ҳарбий бўлиш истаги пайдо бўла бошлади. Ҳарбий форма кийганларни кўрсам, кўзим порлаб кетарди. Ҳарбий бўлиш истагимни отамга билдирдим. Шунда улар босиқлик билан жилмайиб, «Она қизим, бу касбнинг ўзига яраша машаққатлари бор. Сен буларни нозиккина елкангда кўтара олмайсан. Ундан кўра, бўлажак ҳарбийларни ўқитадиган ўқитувчи бўл», деди. Шундай қилиб, ўқитувчилик касбини танладим ва бундан хурсандман.

## Истак ва орзу

Мен ойимнинг сўзларини қизиқиш билан тинглаб ўтириб, хаёлан ўзимни ҳарбий либосда виқорли кўринишда тасаввур этибман. Яна нима эмиш, капитан Алиева! Ҳа-ҳа, бу туйғу худди шу куни, шу онда пайдо бўлган эди. Отамнинг истаклари менинг орзумга айланди. Фикрим қатъий эди. Орадан бироз вақт ўтди. Ўқиш учун ҳужжат тайёрлаб юрган кезларимда ҳамма яқинларим менга инглиз тили ёки тасвирий санъат ўқитувчиси бўлишни маслаҳат беришди. Чунки расмни яхши чизардим, инглиз тилини пухта ўрганаётган эдим. Лекин мен Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг ҳарбий журналистика йўналишига ҳужжат топширдим. Не бахтки, менга талабалик насиб этди! Хурсандчилигим оламга сифмас эди. Бу хушхабарни дадам ва ойимга айтганимда, улар: «Менинг ҳарбий қизим», дея севинишди. Бу янгиликни эшитган акам кулиб, «Қатъиятинг ва бирсўзлигинг ютиб чиқди, синглим», деди.

## Ҳарбий либосдаги қиз

Илк бор университетнинг махсус ҳарбий либосида уйга қайтганимда, таксичи амаки: «Уэр, қизим, ичкарига, уйингиз томонга киролмайман. Шошиб турган эдим», деди. Мен



ҳам: «Майли, буёғи оз қолди, ўзим етиб оламан, раҳмат», дея машинадан тушиб қолдим. Маҳаллага кириб борар эканман, аёлларнинг менга ҳавас билан тикилаётганларига қараб, кайфиятим кўтарилди, уларнинг ёнидан хуш кайфият билан салом бериб ўтиб кетдим. Уларнинг ортимдан: «Бу Соҳибанинг қизими? Ҳарбий либосда-я», деган гапларини ҳам эшитдим. Уйга яқинлашдим. Юрагим тез урмоқда. Дарвозадан мўраладим. Ҳовлида дадам ва ойим ўтиришибди. Секин тақиллатдим. Ойим «Ҳозир чиқяпман», деб мен томон кела бошлади ва эшикдан чиқиб... Онамнинг ўша кунги қувончини сўз билан таърифлаб беролмайман. «Худди ўзим ҳарбий бўлгандекман», деб мени бағрига босди. Онамнинг қувонч ёшлари юзларимга тушди...

Мени дадасининг қизи, дейишар эди. Мен ойимнинг ҳам қизиман. Чунки мен онамнинг азалий орзусини амалга ошира олдим.

**Нилуфар АЛИЕВА, ЎЗЖОКУ ҳарбий журналистика йўналиши талабаси**

## КЕНГ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР БИЛДИРИЛДИ

Фавкулда вазиятлар вазирлиги академиясида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Марказий аппарати билан ҳамкорликда курсантлар ўртасида «Ёрқин келажакимиз учун коррупцияга қаршимиз!» мавзусида ўтказилган иншолар танлови ғолибларини тақдирлаш тадбири ҳамда «Бугун коррупциянинг олдини олмасак, эртага кеч бўлади!» мавзусида маънавий-маърифий давра суҳбати ўтказилди.



Унда «Адолат» социал-демократик партияси Сийёси Кенгаши раиси ўринбосари Умиджон Сулаймонов, бошқарма бошлиғи Фазлитдин Зияев, Ўзбекистон Ҳарбий суди судьяси Акмал Жонқобилов, Республика Ҳарбий

прокурорининг катта ёрдамчиси адлия подполковниги Шерзод Ҳайитов, Коррупцияга қарши кураш агентлиги масъул ходимлари Обиджон Латипов ва Акмал Юнусов ҳамда академия профессор-ўқитувчилари, ҳарбий хизматчилар ва курсантлар иштирок этди.

Тадбирни академия бошлиғининг ўринбосари полковник Абдуазим Ахмадходжаев кириш сўзи билан очиб, аввало, коррупция бу – жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган дахшатли иллат эканлиги, мазкур иллат демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказиши, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келиши хусусида гапирди.

Сўзга чиққанлар томонидан таъкидланганидек, бугунги кунда коррупция фуқароларнинг ижтимоий адолатга, давлат органларига нисбатан ишончини сусайтиради, давлатнинг иқтисодий ўсишига салбий таъсир кўрсатади, қолаверса, жамиятдаги маънавий муҳитнинг бузилишига олиб келади. Айни дамда коррупцияга қарши курашиш барча давлат ва жамоатчилик ташкилотлари ҳамда молиявий муассасаларда устувор вазифага айланганлиги борасидаги кенг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Яқунда академия курсантлари ўртасида ўтказилган иншолар танловининг ғолиблари ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

**Капитан Фарҳоджон ХОЖАЕВ,**  
ФВВ академияси катта ўқитувчиси

## МЕҲМОНЛАР МАШҒУЛОТЛАРДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 2020 йил 10 январь куни Хавфсизлик Кенгашининг миллий армиямизни янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилишида ҳозирги ахборот маконидаги қарама-қаршилиқ, одамлар, айниқса ёш авлоднинг онги ва қалби учун кураш кучайган шароитда ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиянинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётгани алоҳида қайд этиб ўтилди.

Шунингдек, аҳолини, аввало ёшларни шундай руҳда тарбиялаш тизимини такомиллаштириш, мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотлар жараёнига жалб қилиш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш бўйича қўшимча топшириқлар берилди.

Юқоридагиларга асосан, Фарғона ҳарбий прокуратураси томонидан Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги билан ҳамкорликда ёшларни ватанпарварлик, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий-маърифий дунёқарашини юксалтириш, уларда меҳнатсеварлик, ирода каби инсоний фазилатларни шакллантириш мақсадида, Ёзёвон туманидаги умумтаълим мактабларининг ўқувчилари иштирокида учрашувлар ташкил қилинди.

Мазкур тадбирларга ўқувчи ёшлар жалб қилиниб, ҳарбий қисм кун тартибига асосан машғулотларда иштирок этишди.

Дастлаб ўқувчилар ҳарбий қисм тарихи билан танишдилар, шундан сўнг, ҳарбий хизматчилар томони-

дан ёшларга кўргазмани намойишлар тақдим этилди. Ҳарбий қисмнинг маданият марказида ёшларни қизиқтирган саволларига ҳарбий хизматчилар томонидан жавоблар берилди.

Барча машғулотларда ўқувчиларнинг фаоллиги баҳолалиб, юқори натижаларга эришган ёшлар ҳарбий қисм қўмондонлигининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Бундан ташқари, Фарғона ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Фарғона давлат университети ўқув залида «Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш» мавзусида талабалар ўртасида суҳбат ўтказилди.

Унда Фарғона ҳарбий прокуратураси, вилоят Миллий гвардия бошқармаси, Ички ишлар органи, Ёшлар иттифоқи масъуллари, кенг жамоатчилик ҳамда мураббийлар иштирок этди.

Давра суҳбати давомида университет талабалари ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олишди.

**Шерзод САИДОВ,**  
Фарғона ҳарбий прокурори

Фарғона ҳарбий суди томонидан Шарқий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисм маданият марказида «Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар, шунингдек, қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар» ва «Одам савдоси – кечириб бўлмас жиноят» мавзуларида давра суҳбати бўлиб ўтди.

## ОДАМ САВДОСИ — КЕЧИРИЛМАС ЖИНОЯТ



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяси Умиджон Шокиров ҳам иштирок этиб, қонун ҳужжатларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида сўз юритди.

Жумладан, у йиғилиш иштирокчиларига 2021 йил 18 февраль кунги «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда

Жиноят-процессуал кодексларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга асосан, жиноят-процессуал иш юритувида амалга киритилган «Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш», «Жиноят иши бўйича дастлабки эшитув» ва «Айбга иқролик тўғрисидаги келишув» институтлари тўғрисида батафсил тушунтиришлар берди.

Тадбир давомида Фарғона ҳарбий суди раиси иштирокчиларга одам савдоси, хусусан бола савдоси содир этилишининг асосий сабаблари, бундай жирканч жиноятнинг ҳуқуқий оқибатлари ва мазкур жиноятга қўл урганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасида белгиланган жиний жавобгарлик тўғрисида батафсил маълумотларни етказди.

Шунингдек, ҳарбий хизматчилар кун тартибидеги мавзулар бўйича қизиқтирган саволларига жавоблар олдилар. Тадбир сўнгида Фарғона ҳарбий суди томонидан тайёрланган бола савдосига қарши курашишга бағишланган буклетлар тарқатилди ҳамда иштирокчилар келгусида ушбу турдаги тарғибот тадбирларини мунтазам равишда ўтказишга келишиб олдилар.

**Шухратжон ДЎСАЛИЕВ,**  
Фарғона ҳарбий судининг раиси

Урганч ҳарбий прокуратураси, Миллий гвардия Хоразм вилояти бошқармаси ва унинг таркибидаги қўриқлаш бошқармасида хизмат қилаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун сайёр қабул ўтказилди.

## ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛИШ — ЭНГ ОЛИЙ МАҚСАД

Қабулда 15 дан ортиқ давлат ташкилотлари мутахассислари иштирок этди.

Тадбир давомида жами 32 нафар ҳарбий хизматчининг турмуш ўртоқлари томонидан берилган мурожаатларнинг 6 таси шу жойнинг ўзида ижобий ҳал қилинди, 8 та мурожаатга тегишли соҳа мутахассислари томонидан тушунтириш берилган бўлса, 18 та мурожаат назоратга олиниб, қисқа муддат ичида ҳал қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Жумладан, фуқаро А. Топилдиеванинг фарзанди Хоразм вилоят Давлат хизматлари ходимлари томонидан Урганч шаҳридаги 20-сонли мактабгача таълим ташкилотига имтиёзли тарзда навбатга қўйилди.

Тадбир сўнгида китоб ярмаркаси ташкил этилиб, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ўзларини қизиқтирган бадий, тарихий ва бошқа қизиқарли адабиётлар харид қилишди.

**Тимур ҲАМЗАЕВ,**  
Урганч ҳарбий прокурори

МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# ЁШЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТЛАР



**Қашқадарё вилоятининг олис ва чекка туманларидан бири Миришкорда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг вилоят кенгаши тасарруфидаги туман ўқув-спорт техника клубида (ЎСТК) ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси, техник мутахассислар ҳамда оммавий касбдаги ходимларни тайёрлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.**

Шунингдек, кейинги йилларда туман ёшлари турли спорт тўғаракларига жалб этилиб, уларнинг нуфузли мусобақаларда муваффақиятли иштироки таъминланмоқда. Бу эса ўз навбатида туман ЎСТК томонидан спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш борасида ҳам бир қанча амалий тадбирлар бажарилаётганидан далолат.

– Ёшларни жисмонан ҳамда маънан соғлом қилиб тарбиялашда спортнинг ўрни бекиёсдир. Шу боис ҳам ташкилотимизда спортни оммалаштиришга ва ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда, – дейди туман ЎСТК бошлиғи Бозор Турсунов. – Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларни ватанпарварлик руҳида ва жисмоний тарбиялаш ҳамда чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрлаш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлмоқда.

Айни пайтда ўқув-спорт техника клубида ҳаво милтиғидан ўқ отиш, картинг ҳамда ёзги биатлон тўғараклари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Уларда эллик нафардан зиёд ёш мунтазам шуғулланмоқда. Бундан ташқари, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш борасида ҳам самарали фаолият олиб бориб, туман ҳокимлиги, мудофаа ишлари ва халқ таълими бўлимлари Ёшлар иттифоқи туман кенгаши ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда чақирувга қадар ёшлар ва ҳарбий хизматга чақирилувчилар ўртасида ўтказиладиган ташкилий-оммавий, маънавий-маърифий, тарбиявий ишларнинг қўшма режаси ишлаб чиқилган. Бунга кўра, ёшларни оммавий ва фаол жалб этган ҳолда кўргазмали тадбирлар ва спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Шунингдек, «Ватанпарвар» ташкилоти фаолияти тўғрисида ёшлар онгида тасаввур шакллантириш ва унинг сафига кириш иштиёқини уйғотиш мақсадида ташкилотнинг фаолияти, ижтимоий ҳаётимизда тутган ўрни борасида ҳам тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.



Бугунги кунда давлатимиз раҳбарининг ёшлар масаласидаги талабларидан келиб чиққан ҳолда ёшлар ва муҳтож оилаларнинг фарзандларини меҳнат бозорининг турли ва талабдор касбларга тайёрлайдиган қўшимча ўқув курсларини ташкиллаштириш борасида ҳам амалий ишлар қилиняпти. Тумандаги «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари», «Аёллар дафтари» ва кам таъминланган оилалар фарзандларига бир қанча имконият ва қулайликлар яратилмоқда. Эндиликда ёшларимиз ҳайдовчилик касби билан бир қаторда газозэлектрпайвандчи, ҳайдовчи механизатор, авточилангарлик каби ёшларга ҳаётда керак бўладиган қўшимча касб-хунарларни эгаллашларига шароит яратилмоқда.

Акбар АЛЛАМУРОВОВ

**Миришкор тумани ўқув-спорт техника клуби туманда истиқомат қилаётган барча ёшларни «В», «ВС» тоифали ҳайдовчилик курсларига ҳамда спортнинг техник ва амалий турларидан ҳаво милтиғидан ўқ отиш, картинг ва ёзги биатлон тўғаракларида шуғулланишга таклиф этади. Назарий дарслар, амалий бошқариш машғулотлари ҳамда тўғараклардаги машғулотлар малакали мутахассислар томонидан олиб борилиши кафолатланади. Манзилимиз: Миришкор тумани маркази, Умидилла Ғаниев кўчаси, рақамсиз уй. «Ватанпарвар» ташкилоти ўқув биноси. Мурожаат учун телефонлар: 98-777-88-65; 97-585-03-17.**



## ҲАМКОРЛИҚДА

### ЛОЙИҲАЛАШТИРИЛГАН

Мисрда ишлаб чиқарилган «Фахд» типдаги зирхли жанговар машина Германиянинг «Тиссен-Хеншель» фирмаси мутахассислари билан ҳамкорликда лойиҳалаштирилган ва LAP 1117/32 типдаги юк автомобили шассиси асосида тайёрланган. Машина корпуси пўлат зирхдан ишланган ва тўлиқ пайвандланган. Командир ва ҳайдовчининг ўрни жойлашган олд қисмдаги зирхнинг қалинлиги 10 мм.ни ташкил этади.



Ўқ тешиб ўтолмайдиган ойналар билан ҳимояланган дераза ва эшиклар ҳам машинанинг олд қисмида жойлашган. Ҳайдовчи учун перископик айланма кўриш мосламаси ўрнатилган бўлиб, зарурат туғилган ҳолатларда у тунги кўриш мосламаси билан алмаштирилиши мумкин. Мотор-трансмиссия бўлими корпуснинг ўрта қисмида бўлиб, у ерга қуввати 168 от кучига тенг бўлган турбопүфлагичли OM-352 A-6 типдаги дизель двигатели ва «Даймлер-Бенц» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган узатмалар қутиси жойлаштирилган. Машина фильтр-вентиляция тизими билан жиҳозланган. Бортларга тутун тарқатувчи гранаталарни ишга тушириш учун мўлжалланган тўрт стволли қурилмалар ўрнатилди. «Фахд» конструкцияси турли қуроллар, шу жумладан 7,62 мм.ли бир ёки иккита пулемёт ёки 20 мм.ли автоматик тўпга эга бўлган бир ўринли айланма башня, бошқарилмайдиган ракеталарни ишга тушириш қурилмаларини ўрнатиш имконини беради. Машинанинг жанговар оғирлиги 10,9 тонна, шоссе бўйлаб максимал юриш тезлиги соатига 90 км. Экипаж икки кишидан иборат. Десант бўлмасига 10 нафаргача пиёда аскар жойлашиши мумкин.

## ПУЛЬТ ЁРДАМИДА

### БОШҚАРИЛАДИ

«Милош» деб номланган занжирли зирхланган масофадан бошқарилувчи машина Сербия ҳарбий техника институти мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган. Машина айланма ҳаракатланувчи қурол модули билан жиҳозланган бўлиб, унинг таркибидан М86 типдаги 7,62 мм.ли пулемёт (жанговар комплекти 500 та патрон) ва 40 мм.ли автоматик гранатомёт жой олган. Шунингдек, танкка қарши бошқарилувчи ракеталар учун мўлжалланган ишга тушириш қурилмасини қўллаш учун техник имкониятлар ҳам кўзда тутилган. 30 карра катталаштирувчи кундузги видеокамера, тўрт карра катталаштирувчи рақамли тепловизион камера ҳамда ўлчаш масофаси 2 км.ни ташкил этувчи лазерли масофа ўлчагичдан ташкил топган оптик-электрон тизим жанг майдонида 1 000 метргача бўлган масофадаги нишонларни аниқлаш имконини таъминлайди. Пулемётлардан самарали отиш масофаси 800 метр, гранатомётдан эса 400 метрни ташкил этади. Мазкур машинани бошқариш бир нафар ҳарбий хизматчи томонидан 2 км.гача бўлган масофадан пулт ёрдамида радиоканал орқали амалга оширилади. Кучлиниш қурилмасининг автоном (мустақил) ишлаш вақти 8 соатгача. «Милош»нинг жанговар оғирлиги 620 кг, узунлиги 1,7 метр, эни 0,8 метр, баландлиги 0,9 метр, максимал ҳаракатланиш тезлиги жой рельефига боғлиқ равишда соатига 7 км.гача. Аппарат тегишли вазифаларни бажариш жойига тактик ҳарбий автомобилларда етказилиши мумкин.



## РАЗВЕДЫВАТЕЛЬНЫЙ

### АППАРАТ

Разведывательный беспилотный летательный аппарат (БПЛА) AR 100B «Микадо» (Mikro-Aufklarungsdrohne) предназначен для разведывательного обеспечения действий тактических подразделений сухопутных войск. Он позволяет вести воздушную разведку в том числе и в городских условиях. В состав комплекса входят БПЛА со сменными комплектами полезной нагрузки, станция управления, шесть аккумуляторных батарей и контейнер-рюкзак. Аппарат с вертикальным взлетом и посадкой «Микадо» выполнен по схеме квадрокоптер. В качестве полезной нагрузки на него могут быть установлены цветная и черно-белая высокочувствительные видеокамеры, цветная или тепловизионная фотокамера. Данные устройства выполнены во влаго- и пылезащитных корпусах и могут быть заменены на аппарате менее чем за минуту. Полученные видеозображения могут передаваться потребителю на дальности до 1 км. Максимальная взлетная масса аппарата 1,3 кг, максимальная скорость полета 40 км/ч, практический потолок 1000 м, высота ведения разведки 140 м, продолжительность полета 0,5 ч, диаметр 1 м, высота 0,24 м.



## НОВЫЕ УПРАВЛЯЕМЫЕ

### РАКЕТЫ

Южноафриканская фирма «Денел дайнэмикс» в сотрудничестве со специалистами компании «Рейнметалл Денел мьюнишн» разрабатывает и проводит испытания управляемых ракет (УР) с вертикальным стартом для многоэшелонной комплексной системы перехвата неуправляемых ракет, артиллерийских боеприпасов и минометных мин различного типа и калибра. Кроме того, данные УР будут способны поражать вертолеты, крылатые ракеты и беспилотные летательные аппараты. Имеющая околозвуковую скорость управляемая ракета «Монгуз-3» (дальность стрельбы 300 - 2000 м, длина 1,2 м, стартовая масса 13 кг) предназначена для защиты ближней зоны, а УР «Чита» (дальность стрельбы 10 000 м, скорость более 3 М, длина 2 м, масса 25 кг) – для обороны более обширной территории. Диаметр корпуса обеих боеприпасов 105 мм. Наведение ракет на цель на начальном участке траектории осуществляется при помощи радиолокационной станции, а на конечном – активной радиолокационной головкой самонаведения. Специализированная боевая часть (БЧ) предназначена для разрушения или отклонения от траектории полета атакующих боеприпасов.



Предполагается, что зенитные системы, оснащенные данными управляемыми ракетами, будут использоваться в основном для защиты наиболее важных объектов инфраструктуры, а также долговременных пунктов базирования (полевых лагерей), действуя совместно с зенитными артиллерийскими комплексами.

П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

### ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВЛАРИ



Жорий йилнинг 26 май куни Сурияда президент сайловлари бўлиб ўтди. Бу ҳақда мамлакат парламенти – Халқ кенгаши раиси Ҳаммуда Сабах маълум қилди, деб хабар

беради SANA агентлиги. Унинг сўзларига кўра, мамлакат Олий конституциявий судида юқори лавозимга номзодларни кўрсатиш ва уларнинг ҳужжатларини қабул қилиш жараёни 19 апрелдан 28 апрелгача давом этади. Мамлакатда бундан олдинги президентлик сайловлари 2014 йилда ўтказилган ва унда Башар Асад ғолиб бўлган эди.

### ҚЎШИНЛАР ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН



Пентагон матбуот котиби Жон Кирби маълум қилишича, АҚШ Афғонистондаги ўз қўшинлари сонини вақтинча кўпайтириши мумкин. Бундай қарор қўшинларни бу мамлакатдан эсон-омон олиб чиқиб кетиш мақсадида қабул қилинган. «Қўшинларни хавфсиз олиб чиқиш учун қўшимча куч жалб қилиниши эҳтимолдан холи эмас. Бизга қўшимча ҳимоя кучлари зарур бўлиши мумкин. Қачон ва қанча ҳарбий хизматчи Афғонистонга жўнатилишини эса айтолмайман», деди Кирби.

### АМИРЛИКНИНГ ФАЗОГИР АЁЛИ



Бирлашган Араб Амирликлари фазога кўтариладиган навбатдаги 2 фазогир номини эълон қилди. Эътиборлиси, 4 минг номзод ичидан танлаб олинган фазогирлардан бири аёл киши. У фазога йўл оладиган биринчи араб аёли бўлади. БАА Бош вазири Муҳаммад бин Рашид ал Мақтум таъкидлашича, бўлғуси фазогирлар – Муҳаммад ал-Мулла ва Нура ал-Матруш НАСанинг астронавтлар тайёрлаш дастурига қўшилади. 2019 йил 25 сентябрда космосга парвоз қилган Ҳазза ал-Мансурий БААнинг биринчи фазогирга айланган эди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

# СЕНАТОР ҲАРБИЙ ҚИСМДА

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ Жанубий оператив қўмондонлиги тасарруфидаги Хайробод гарнизонида жойлашган ҳарбий қисмда «Сенаторлар ва ҳарбийлар учрашуви» мавзусида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.



Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенатори Содиқжон Турдиев, «Нуроний» жамғармаси Сурхондарё вилоят Кенгаши раиси Орзикул Соатов, Жанубий оператив қўмондонлиги бошлигининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари подполковник Алишер Ширинов, Денов тумани ҳокимлиги ва Мудофаа вазирлиги Жамоатчилик кенгашининг вилоят бўлими ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирда сўз олганлар юртдошларимизнинг фаровон яшаши учун барча соҳаларда кенг кўламдаги ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтди. Шундан сўнг меҳмонлар ҳарбий қисмда тинчлигимиз посбонларига яратилган шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Хусусан, Амир Темур ва Жалолиддин Мангуберди синфларининг ташкил этилгани уларда катта таассурот қолдирди. Ушбу синфлар нафақат ҳарбий хизматчиларга, балки ҳарбий қисмларга бириктирилган таълим масканларига ва ҳудуддаги ёшларга хизмат қилади.

Тадбир доирасида меҳмонлар ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан суҳбатлашиб, уларнинг муаммоларини ўргандилар ва шу ернинг ўзида ечим чоралари кўрилди. Шунингдек, Денов туманида истиқомат қилувчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан ҳам хабар олинди, уларга юксак эҳтиром кўрсатилиб, совғалар улашилди.

Ҳарбий шаҳарча ёнида барпо этилган мактаб-гача таълим ташкоти ва болажонлар тадбир қатнашчилари назаридан четда қолмади. Масканга ташриф буюрганларга жажжи қалб соҳиблари ўзларининг куй-қўшиқларини ижро этиб беришди.

**III даражали сержант Акбар АҲМЕДОВ**  
Термиз гарнизони

Қуролли Кучлар тузилмаларидаги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотлари ёшлар етакчиларининг «Эзгу мақсад йўлида бирлашайлик!» шиори остида Тошкент шаҳар форуми ташкил этилди.

## «ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДА БИРЛАШАЙЛИК!»

Унда жорий йилнинг I чораги давомида Тошкент шаҳрида жойлашган Қуролли Кучлар тузилмаларидаги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотлари томонидан пойтахт ёшларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш юзасидан амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди ҳамда соҳага оид тақлиф, мулоҳазалар билдирилди.

– Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлигида ёшларни она юртга садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш юзасидан кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда, – дейди капитан Маъруфбек Сотволдиев. – Жумладан, ўқувчи ёшлар билан Қуролли Кучлар вакиллари иштирокида «Эъзоз», «Эҳтиром», «Уч авлод учрашуви» таълим муассасаларида ватанпарварлик, жасорат дарслари мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда. Ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида Юнусобод туманида жойлашган 127-умумтаълим мактабида 5 иш ўрнига эга бўлган тикиш хонаси фойдаланишга топширилди.

Форум давомида Қуролли Кучлар академияси, Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар ички ишлар, фавқулодда вазиятлар, божхона, Миллий гвардия бошқармалари, ДХХ Чегара қўшинлари «Тошкент» оператив



қўмондонлиги, Ёшлар ишлари агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкоти Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар ҳудудий кенгаши ўртасида пойтахт ёшларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган 2021–2026 йиллар учун мўлжалланган ўзаро келишув имзоланди.

Яқунда фаол бошқарма бошлиқлари ҳамда етакчилар ташаккурнома ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Шерзод ШАРИПОВ,**  
«Vatanparvar»

### УЧРАШУВ

Тошкент шаҳар Яқкасарой туманида жойлашган 89-умумтаълим мактабида Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилига бағишланган «Спортчи ва ёшлар учрашуви» бўлиб ўтди. Унда Мудофаа вазирлиги Олий спорт натижаларини ривожлантириш маркази спорт усталари, Ўзбекистон Паралимпия спортчилари ҳамда фахрийлар иштирок этди.

## ЁШ ЧЕМПИОНЛАР ЎҚУВЧИЛАР ДАВРАСИДА



Учрашув қизиқарли савол-жавобларга бой бўлди. Меҳмонларнинг ёшлиқдан спортга бўлган қизиқишлари, бир кунда қанча вақтини машғулотларга ажратиш кераклиги, юқори натижаларга эришишдаги «сир»лар нимадан иборатлиги каби саволларга спорт усталарининг ҳаётий мисоллар асосида жавоб беришлари

ёшларда спортга ва соғлом турмуш тарзига бўлган қизиқишни уйғотди.

Сергели туманидаги математика фанига ихтисослаштирилган 300-умумтаълим мактабидан тақлиф этилган ўқувчиларнинг ҳарбий либосдаги кўргазмалари чикишлари учрашувга ўзгача кайфият улашди.

Тадбир сўнгида спортчилар ва иқтидорли ёшлар ташаккурномалар билан тақдирланди.

**Шалола ШЕРАЛИЕВА**

### ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА



Trans-Asia Gas Pipeline Company Limited очик акциядорлик жамияти директорлар кенгаши раиси Муҳаммадмурот Аманов ва Туркменистоннинг Афғонистонда

МИНТАҚАДА  
ги элчиси Хўжа Авезов Афғонистон Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари Эбад билан учрашув ўтказди. Бир қатор масалалар бўйича ўтказилган ўзаро музокаралар яқунларига кўра, Туркменистон–Афғонистон–Покистон–Ҳиндистон газ қувурининг афғон участкасида хавфсизликни таъминлаш концепцияси имзоланди.

### ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ ВАҚТИДА



Қозоғистон Мудофаа вазирлиги маълумоти-га кўра, мамлакат чегара хизматига қарашли Су-30 қирувчи самолёти ўқув-машғулот парвозлари вақтида, Қарағанда вилоятининг Балхаш шаҳридаги ўқув-авиация марказига қўниш чоғида фалокатга учраган. Хабар берилишича, экипаж аъзолари орасида ҳалок бўлганлар йўқ. Учувчилар катапультаси қилишга улгурган ва ҳозирда шифокорлар назоратида қолмоқда. Махсус комиссия томонидан воқеа тафсилотлари аниқлаштирилмоқда.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

### ҚЎШМА ҲАРБИЙ МАШҚЛАР



Қирғизистонда Россия ҳарбийлари билан ҳамкорликда «Коопсуздук-2021» деб номланган қўшма қўмондонлик-штаб ва сафарбарлик машқлари бўлиб ўтди. Амалий машғулотлар жараёнида Қирғизистон ҳудудига бостириб кирган шартли босқинчи тўдаларни ўраб олиш ва йўқ қилиш бўйича махсус операция ҳам ўтказилди. Мазкур машқларда муваффақиятли иштирок этган 11 нафар Россия ҳарбийлари мамлакат Президенти Садир Жапаров номидан қўл соатлари билан мукофотланди.



# ЯНГИ ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛМОҚДА

**Бугунги кунда ёшларимиз қалбида ватанпарварлик ҳиссини уйғотиш, мустаҳкамлаш ва кучайтириш алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис ҳам Юртбошимиз ёшлар ҳаёти ва уларнинг келажагига катта аҳамият қаратмоқда. Яқинда давлатимиз раҳбари томонидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам ёшлар масаласига жиддий эътибор берилди.**



**Х**усусан, бу муҳим вазифани бажа-ришга Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкilotи Хоразм вилояти кенгаши тасарруфидаги Қўшкўпир тумани «Ўртаёп» ўқув-спорт техника клуби (ЎСТК) жамоаси ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Чунончи, жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида ЎСТКда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, турли спорт тўғарақлари ишини йўлга қўйиш, спорт мусобақаларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди.

– Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, уларни спортнинг техник ва амалий турларига жалб этишга ҳамда фаол фуқаролик позициясига эга мамлакатнинг муносиб фарзандлари сифатида шаклланишига йўналтирилган тадбирларимиз шулар жумласидандир, – дейди ЎСТК бошлиғи Рустам Атамуратов. – Ёшларни, айниқса, уларнинг уюлмаган қисмини маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида бевосита туман ҳокимлиги, Ёшлар иттифоқи туман кенгаши, мудофаа, халқ таълими, ёшлар агентлиги бўлимлари ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар билан келишилган режа асосида иш олиб борилмоқда. Албатта, бундай эзгу ишларимизни амалга оширишда яқинда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкilotи Марказий кенгаши раиси полковник Ҳусан Ботиров бошчилигидаги ишчи гуруҳнинг вилоятимизга қилган ташрифи аҳамиятли бўлди. Ишчи гуруҳ ташкilotнинг ҳудудий бўлимларида олиб борилаётган амалий ишлар билан танишиб, келгусидаги вазифаларни белгилаб берди. Эндиликда ёшлар ораси-



**Ташкilot Қўшкўпир туманидаги барча хоҳловчи ёшларни «В», «ВС», «С», «Е» тоифали ҳайдовчилик курсларига таклиф этади. Шунингдек, ҳаво милтиғидан ўқ отиш, дуатлон, ёзги биатлон, триатлон каби спорт секцияларига қатнашишингиз мумкин. Манзилимиз: Қўшкўпир тумани «Ўртаёп» маҳалла фуқаролар йиғини, «Ватанпарвар» ташкilotи ЎСТК биноси. Мурожаат учун телефонлар: 97-299-16-76; 93-740-16-76.**



да ҳарбий-ватанпарварлик ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда уларни ЎСТКда фаолият олиб бораётган спорт турларига жалб этишда ёшлар эътиборини тортадиган ғоя ва ташаббуслар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, ҳудудимиздаги «Ёшлар дафтари»да рўйхатда турадиган ёшлар ва кам таъминланган оилалар фарзандларига кўплаб қулайликлар яратилапти. Бундай ёшларнинг ҳайдовчилик курсларида ўқишлари учун ва ҳаётда керак бўладиган қўшимча касб-ҳунарларни эгаллашларига амалий кўмак берилмоқда.

Бундан ташқари, ташкilot фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири малакали ҳайдовчи мутахассислар тайёрлашдир. Шу кунларда икки юз нафарга яқин «В», «ВС», «Е» тоифали ҳайдовчилар тайёрланган бўлса, яна бир неча гуруҳларда номзодлар ўқув машғулотларини давом эттирмоқда. Бунинг учун ташкilot барча керакли техник қурилмалар ҳамда транспорт воситалари билан таъминланган.

**BOLAJON**



**LABIRINT**




**IZLA, TOP!**

**O'YLA,**



**RANGLAR  
JILOSI**



**TOMCHI HAQIDA ERTAK**

– Qanday qilib osmonga chiqib olding?  
 – Meni Oftob bobo osmonga chiqarib qo'ydi.  
 – Meni ham olib ket, – debdi O'rik havasi kelib.  
 – Yo'q, do'stim O'rikjon, sen odamlarga meva berishing kerak. Qo'rqma, men ham yaqinda qaytib kelaman.  
 Tomchi shunday debdi-da, bulutga minib, olis-olislariga ketib qolibdi. O'rik yana zerika boshlabdi. "O'rtog'im endi kelmaydi, osmonga chiqib, meni unutib yubordi", deb o'ylabdi xafa bo'lib.  
 Kunlar isib ketibdi. O'rik juda chanqabdi. Yaproqlari shalpayib qolibdi. Oxiri u hushidan ketib qolibdi. Birozdan so'ng hushiga kelsa, yaprog'i ustida Tomchi turgan emish.  
 – Men senga yordam bergani keldim, – debdi Tomchi. U shunaqa ko'p o'rtog'larini boshlab kelgan ekanki, O'rikning chanqog'i birpasda bosilib, yayrab-yashnab ketibdi.

**O'tkir HOSHIMOV**

Qishloq chekkasidagi baland tepalik ustida bir tup O'rik o'sar ekan. U har yili odamlarga ko'p-ko'p meva berarkan. Ammo atrofida boshqa daraxtlar bo'lmagani uchun juda zerikar ekan. Bir kuni ertalab O'rik uyg'onsa, yaprog'ida bir narsa yaraq-yaraq qilib turganmish.  
 – Sen qanaqa qushsan? – debdi O'rik hayron bo'lib.  
 – Men qush emasman, men Tomchiman, – debdi boyagi yarqirab turgan narsa.  
 – Kel, o'rtog' bo'lamiz, – debdi O'rik.  
 – Bo'пти.  
 – Ammo ketib qolmaysan, – debdi O'rik, – bo'lmasa qushlardan ham o'rtog'im ko'p-u, hammasi kuz kelishi bilan qochib ketadi.  
 – Mayli, – debdi Tomchi, – men eng qiyin paytda doim yoningda bo'laman.  
 O'rik juda sevinib ketibdi. Ikki o'rtog' kun bo'yi maza qilib o'ynashibdi. Lekin O'rikning quvonchi uzoqqa bormabdi. Ertasiga ertalab uyg'onsa, Tomchi yo'q emish.  
 – Tomchi meni aldabdi, – deb o'ylabdi O'rik.  
 Endi shunday deb turgan ekan, birov uni chaqiribdi.  
 – O'rikjon, hoy, O'rikjon!  
 O'rik quloq solsa, tovush osmondan kelayotgan emish.  
 – Meni kim chaqiryapti? – debdi O'rik shoxlarini silkitib.  
 – Men, sening do'stingman! – debdi bulut borgan sari pastlab. – Men Tomchiman.  
 O'rik hayron bo'libdi.



# ЯНА БИР ҲАРБИЙ ЖУРНАЛИСТНИНГ КИТОБИ НАШРДАН ЧИҚДИ



Ёзиш, ёзганда ҳам кўнгилга етказиб қоғоз қоралаш – машаққатли иш. Бу заҳматни журналист аҳли кўп бора бошидан кечирган, яхши билишади. Шундай бўлса-да, ижод қилишнинг ўз гашти бор. Ахир ёзганларингдан ўқувчилар нимадир олса, эътироф этса, ижодкор учун бундан ортиқ бахт борми?! Ҳамкасбимиз – «Vatanparvar» газетаси муҳбири лейтенант Дилшод Рўзиқулов шундай бахтга эришган, омади қулган ёш журналистлардан бири. Яқинда унинг илк китоби нашрдан чиқди. «Дехқони сўз» номли ушбу китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан «Биринчи китобим» лойиҳаси доирасида чоп этилган бўлиб, ундан журналистнинг турли мавзулардаги бир қатор публицистик мақолалари ўрин олган.

Китобдаги ҳар бир мақолада журналистнинг ўзи кўрган, гувоҳи бўлган ҳаёт қувонч ва ташвишлари ҳикоя қилинади. Бу орқали муаллиф ҳаётга янгича нигоҳ билан қараб, бугунги куннинг долзарб муаммолари, ютуқ ва камчиликлари, шу билан бирга умримизнинг безағи бўлган яхши инсонлар ҳақида самимий фикр юритади. Эътиборимизни тортган яна бир жиҳат, деярли ҳар бир мақолада журналист эртақ, мақол ва маталлардан маҳорат билан фойдалангани, бу унинг эртақлар ва китоб мутоласига ошно бўлиб улғайганидан, шу боис ёзганларида тарбиявий аҳамият йўғрилганидан далолат беради. Муаллиф бугунги долзарб муаммоларнинг ечими уч муҳим унсур – халқ оғзаки ижоди намуналари, китоб ҳамда шахсий намунада эканлигини кўнрақлик билан ифода этади. Муаллифнинг «Эртақ сўйлаб берарди буюм» ҳамда «Янги йил – китоблар оламида» номли мақолалари фикримизга далил бўлади.

Китобдаги «Монитор бола» деб номланган мақолада ҳам бугунги кунимизнинг энг долзарб мавзуси – компьютер ўйинларига берилган ёшлар муаммоси кўтарилган бўлиб, бу ўқувчини анча ўйлашга, фикрлашга чорлайди. Зеро, шиддат билан ривожланаётган техника ва ахборот асрида интернет ёшларни худди ўргимчак тўридек ўз домига тортаётгани, ўсмирларнинг нафақат соғлиғи, тарбияси, балки ҳаёти ҳам издан чиқиб кетаётгани бор гап. Бу эса нафақат ота-она, балки жамият учун ҳам улкан фожиадир. Мақола сизни шундай хавфдан огоҳлантира-



ди. «Зулпак»ка сиғмаган хитоблар» мақоласида ҳам шундай кўнрақликни сезасиз.

Китобдан кўтаринки руҳда ёзилган мақолалар ҳам ўрин олган. «Дехқони сўз» ва «Бобо ибрат кўрсатади» мақолалари шулар жумласидан. Ушбу ёзганлари орқали муаллиф самимий, танти ва оққўнгил қишлоқ одамлари тасвирига урғу беради. Уларнинг қишлоқдошлари, эл-юрт учун қилаётган эзгу амалларни кўкларга кўтаради...

Китоб сўз бошисида таниқли шоир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Салим Ашур шундай ёзади:

«Публицистиканинг асосий мезони ҳаёт ҳақиқати ва воқеа-ҳодисаларни холисона таҳлил қилиш ва муҳим ижтимоий хулосалар чиқаришдан иборатдир...»

Журналист Дилшод Рўзиқуловнинг янги китобидан ўрин олган мақолаларда ана шундай жиҳат кўзга ташланади. Яна бир асосий жиҳат, сиз бу мақолалар орқали ижодкорнинг журналистикадаги самарали фаолияти ҳақида тўлақонли тасаввурга эга бўласиз.

Г. ҲОЖИМУРОВА



## БИР ЧИМДИМ

Болалардаги шумтакаликни сўндирсангиз, ҳеч қачон донишмандларни пайдо қила олмайсиз.

ЖАН ЖАК РУССО

## БИЛАСИЗМИ?

**ҚОРА ЧЕРИК** – мунтазам кўшин билан барабар уруш ёки тинчлик чоғида хизматда бўлган номунтазам лашкар. Қора черикка эҳтиёж бўлмаган кезларда улар уйларига тарқатиб юборилган. Қора черикни тўплаш учун ҳукмдор фармони чиққан ва у бозорларда жарчилар томонидан эълон қилинган. Мунтазам кўшин отлар билан таъминланган бир пайтда, қора черик ҳарбий ҳаракатларда шахсий ўлови билан иштирок этиши мажбурий ҳисобланган.

## БИЛАСИЗМИ?

**ТАКИНА ХОТУН** – Тегино бегим, Тегино Моҳбегим Амир Темурнинг онаси. Амир Муҳаммад Тарағайнинг хотини. Урта аср манбалари, хусусан, Фасиҳ Ҳавофийнинг «Мужмали Фасиҳий» асарида келтирилишича, Такина хотун Бухоро уламоларининг пешвоси мавлоно Садр аш-Шариъа Убайдуллоҳ ал-Бухорий ибн Тож аш-Шариъа Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Маҳбубий ал-Бухорийнинг қизи бўлган.



КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

«Оловли қалқон»: тўплар жанги

## VATANPARVAR

### Муассис:



ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
МУДОФАА  
ВАЗИРЛИГИ

www.mudofaa.uz

### Бош муҳаррир:

майор  
Аҳрор Очиллов

### Навбатчи:

Фурқат Эргашев

### Саҳифаловчилар:

Нодирабегим Валиева  
Дилноза Мелиқўзиева

### Мусаҳҳиҳлар:

Сайёра Мелиқўзиева  
Мастура Қурбонова

### Телефонлар:

котибият: (71) 260-36-50  
бухгалтерия: (71) 260-35-20  
юримлик бўлим: (71) 269-88-91  
факс: (71) 260-32-29

ISSN 2010-5541

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти – «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятнинг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Буюртма: г-205.

Ҳажми: 6 босма табоқ.

Бичими: А3.

Адади: 34 705 нусха.

Босишга топшириш вақти: 14:00.

Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади. Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114.

Баҳоси: келишилган нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:

100164, Тошкент,  
Университет кўчаси, 1-уй.